КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми шарафига

Қишлоқ партия ташкилотларининг шу кунлардаги жанговар вазифаси

Ҳозир қаерга борманг, ким билан гаплашиб, юрагига қўл солиб кўрманг тилида сўзлагани ҳам, дилида кўзлагани ҳам пахта. Бунинг боиси бор, албатта. Катта-кичик — ҳамма пахта бизнинг миллий ифтиҳоримиз ва олтин бойлигимиз эканлигини чуқур ҳис қилади, унинг бир граммини ҳам қолдирмай йиғиб-териб олишни ўзининг шарафли бурчи деб билади.

Ҳозир пахта далаларимизда етиштирилган мўл ҳосилнинг қолган қисмини дилхиралик қилаётган табиат чангалидан юлиб олиш ва нес-нобуд қилмай давлатга топшириш учун қизғин жанг бормоқда. Бу жангда ғолиб чиқмоқ ва мўлжалланган ҳосилни қўлга киритмоқ долғали кунларнинг жанговар шиори бўлиб қолди. Лекин ғалаба ўз-ўзидан келмайди, она-Ватанга бу йил 500 минг тонна «оқ олтин» берамиз деб юксак мажбурият олган Ленин орденли областимиздаги ҳар бир ватанпарварнинг фидокорона меҳнати ва олижаноб ҳиммати билангина қўлга киритилади. Шундай экан, ҳозир ҳамманинг ўрни далада, ҳосил тақдири ҳал қилинаётган жойда бўлиши керак.

Шу кеча-кундузда қишлоқ партия ташкилотлари катта синов олдида турибдилар. Уларнинг фаолиятига пахта тайёрлаш давлат плани ва олинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишига, бу йилги ҳосилнинг охирги кўсагигача нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олинишига қараб баҳо берилади. Фурсатни қўлдан бой бермаслик ва ҳосилдан ҳеч бир ғўзани ташламаслик учун улар ўз олдиларига бутун ташкилотчилик қобилиятларини ишга солиб, омма орасида жўшқин кайфият ва жонбозлик билан ишлаш вазиятини вужудга келтиришлари, ялпи сафарбарлик ҳолати эълон қилишлари лозим.

Агар меҳнат тўғри ташкил этилса, оромизда пахта йиғим-теримига қатнашмай санғиб юрадиган кишилар бўлмаса, ҳар бир теримчи ўз нормасини бажариш учун масъулиятни чуқур ҳис этса, агар ҳар бир соатдан оқилона фойдаланилса ва қатра ҳам нобудгарчиликка йўл қўйилмаса, бу ҳолда улкан хирмонимиз «оқ олтин» дурдоналарига тўлади, чунки мисқоллардан граммлар, граммлардан килограммлар, килограммлардан центнер ва тонналар ҳосил бўлади. Бунинг учун зўр ғайрат ва ташаббус кўрсатиш, ташкилотчилик қилиш керак. Омманинг ижодий ташаббусига моҳирлик билан бошчилик қилиб, йиғим-теримни уюшқоқлик билан ташкил этаётган, масалага партия ва давлат манфаатлари нуқтаи-назаридан қараб колхозчилар ва совхоз ишчиларининг унумли ишлашини таъминлаётган партия ташкилотларигина яхши натижаларга эришишлари мумкин.

Бунга Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинизм», Сталин номли, Ўрта Чирчиқ районидаги илғари қолоқ ҳисобланган Охунбобоев номли, Гулистон районидаги «XXI партсъезд» колхоз партия ташкилотлари яхши мисол бўлаолади. Бу колхозларнинг партия ташкилотлари йиғим-теримни тўғри ташкил этиб, давлат пахта тайёрлаш планининг ўз вақтида бажарилишини таъминладилар. Эндиликда улар социалистик мажбуриятни адо этиш учун курашга бошчилик қилмоқдалар. Бу соҳада коммунистлар юксак онглилик ва коммунистчасига меҳнат қилиш намуналарини кўрсатмоқдалар. Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози эса оширилган социалистик мажбуриятини ҳам бажариб, ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил олди ва яна 100 тонна пахта беришга ваъда қилди.

Мирзачўлдаги Шўрўзак массивида жойлашган «Гулистон» совхози ҳозир маррага яқинлашиб қолди. Совхоз партия ташкилоти йиғим-терим ишларига етакчилик қилиб, бу соҳада коммунистларнинг олдинги сафда боришини таъминламоқда. Совхоз коммунистлари ва комсомоллари пахта йиғим-теримида бевосита қатнашиб, кўпмингкилограммчилик ҳаракатининг ташаббускори бўлмоқдалар.

Лекин ҳали кўпгина колхоз, совхозларимизда рақамлар ва процентлар жуда паст. Нега шундай? Об-ҳаво ҳалақит беряптими ёки далада мўлжалдаги ҳосил йўқми? Ҳали териб олинмаган ҳосил кўп. Бироқ бутун иллат шундаки, уни йиғиб-териб олиш ва давлатга топширишда сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Гулистон районидаги «Коммуна», «Ленинизм», Сталин номли, Сирдарё районидаги Ильич номли, «Ўзбекистон», Чиноз районидаги Энгельс номли, Бекобод районидаги Дзержинский номли ва бошқа бир қатор колхозлар пахта тайёрлашда айниқса орқада қолмоқда. Шундай бир савол туғилади. Бу колхозларнинг партия ташкилотлари йиғим-терим суръатини кучайтиришга нега бошчилик қилмаётирлар?

Айрим хўжаликларнинг партия ташкилотлари дастлабки муваффақиятларга маҳлиё бўлиб, ҳозирданоқ бегамлик кайфиятига берилиб кетмоқдалар. Масалан, «Пискент» совхозининг 5-бўлимида план 92 процент бажарилгандан кейин манманлик кучайди, илгари теримга қатнашаётган кишиларнинг ҳозир ярми ҳам далада кўринмайди. Бу ерда ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун зарур маданий-маиший шароит яратиб берилмаган. Ошкор айтиш керакки, бўлим партия ташкилоти бу ишларга бош қўшмаётир. Шунинг учун ҳам бўлимда кунига йиллик планнинг 0,10—0,15 процентга миқдорида пахта топширилмоқда. Бўлим партия ташкилотининг секретари Юсуф Ортиқов одамлар билан ишлаш, уларни йиғим-теримга тўла сафарбар этиш ўрнига уларни бездириш, дўқ уриш ва ҳозирги ғаниматкунларни айш-ишрат билан ўтказиш йўлига ўтиб олган. Бу мутлақо кечириб бўлмайдиган бир ҳолдир.

Партия, Ватан бизлан қуруқ ваъдалар ва дабдабабозликни эмас, пахтани — план ва мажбуриятларимизнинг сўзсиз бажарилишини талаб қилмоқда. План ва мажбуриятни бажариш учун партия ташкилотлари ҳамма имкониятларга эгадирлар. Эндиликда ҳамма гап ана шу имкониятлардан ўз вақтида, унумли фойдаланиб, барча ишга яроқли кучларни ва терим машиналарини йиғим-теримга тўла сафарбар этишда қолди. Шунга эришмоқ керакки, колхозчилар, совхоз ишчилари ва механизаторларимиз шу кеча-кундузда партия ташкилотларининг забардаст ташкилотчилик ролини ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ сезиб турсинлар, ўзлари тўғрисида ҳар тарафлама ғамхўрлик қилинаётганлигини ҳис қилсинлар, терим машиналари пахтазорларда гўнғовсиз ва унумли ишлаб турсин.

Одамлар билан ишлаш партия ташкилотларининг биринчи вазифаси, сиёсий-тарбиявий ишларнинг яхши йўлга қўйилиши эса меҳнат унумдорлигини оширишнинг ва йиғим-теримни муваффақиятли ўтказишнинг гаровидир. Вазифа — дала ишларида банд бўлган кишилар билан самимий ишлашдан, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳамда ижодий меҳнатга сафарбар этишдан, 500 минг тонна пахта учун курашда ҳар бир кишини шахсий жавобгарлигини ва ватанпарварлик бурчини чуқур ҳис этиш руҳида тарбиялашдан иборат.

Қишлоқ коммунистлари ҳар қачонгидек ҳозир ҳам олдинги сафда боришлари, йиғим-теримда шахсан намуна кўрсатиб ишлашлари, ҳар бир ишда ва ҳар қандай вазиятда авангард бўлишлари керак. Коммунистларнинг Ватан олдидаги партиявий бурчи, ватанпарварлик виждони улардан шу нарсани талаб қилади.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 227 (1747) | 15 ноябрь, 1960 йил, сешанба | Баҳоси 20 тийин.



Суратда: Чиноз районидаги «XXI партсъезд» колхозининг қўпмингкилограммчи теримчиси Саломат Собирова. У ҳозиргача 13 тоннага яқин пахта терди. С. Аҳмедов фотоси.

ОБЛАСТЬ ШОЛИКОРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборган областимиз шоликорлари катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Улар давлатга 45 минг ўрнига 45010 центнер шоли топшириб, йиллик планни 100,1 процент бажардилар. Бу ўтган йили шу вақтга қадар топширилган шолидан 1250 центнер ортиқ демакдир.

Айниқса Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Гулистон, Сирдарё, Янгийўл, Чиноз, Юқори Чирчиқ районларининг колхоз ва совхозлари юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Областда давлатга шоли сотиш планининг бажарилиши билан бирга дон сотиш плани ҳам ортиғи билан адо этилди. Пландаги 15500 тонна ўрнига 17040 тонна, яъни пландан ташқари 1540 тонна дон сотилди.

Давлатга шоли сотиш қизғин давом этмоқда.

КЕЛГУСИ ЙИЛ МЎЛ ҲОСИЛИ УЧУН

Гулистон районидаги «Социализм» совхозининг 3- бўлим ишчилари бу йил она-Ватанга гектаридан 25 центнердан «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олган эдилар. Ана шу мақсад билан бўлим ишчиларининг, азамат механизаторларнинг ёз бўйи қилган меҳнатлари эндиликда ўзининг самарали натижаларини бермоқда.

Ўзаро социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарган илғор бригадалар йиғим-теримни уюшқоқлик билан олиб бориб, бирин-кетин рапорт бераётирлар.

93 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил кўтариш учун курашаётган ўртоқ Эргаш Шарипов бошлиқ бригада ишчилари шу кунгача гектаридан 25 центнердан пахта топшириб, йиллик планни бошқалардан олдин бажардилар.

Шуниси қувонарлики, ҳар учала бригадада ҳам ҳосилнинг асосий қисми машиналар ёрдамида териб олинди. А. Раҳматов, М. Эгамбердиев каби моҳир механик-ҳайдовчиларнинг ҳар бири эл хирмонига 65—75 тоннадан «оқ олтин» тўкди.

Бўлимда ҳосилдан бўшаган ерларни шудгорлаб, келгуси йил учун пахта замин тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шу кунга қадар 200 гектарга яқин ер сифатли шудгор қилиб қўйилди.

Ҳали бўлим далаларида ҳосил мўл. Уни йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш жадал суръатлар билан олиб бориляпти.

Т. МАМАТҚУЛОВ.

ХОЛБУВИ ОПА МАРРАГА ЕТДИ

Ўтган йили мавсумда ўз машинаси билан 110 тонна пахта териб, кўпчиликни қойил қолдирган Холбуви опани областимизнинг кўпгина механизаторлари яхши танишади, ҳурмат қилишади. У бу йил қўриқ ерда мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилиб, биринчи марта трактордалачилик бригадасига бошчилик қила бошлади.

Бригада аъзолари — Холбуви опанинг ёстиқдоши Бозор ака Суюнов, опа-сингил Ойимсора ва Зулҳумор Узоқова, Тугал Абдураҳмонов ўртоқлар бригаданинг обрўси учун, элюрт олдида берилган ваъданинг уддасидан чиқиш учун ёз бўйи бир ёқадан бош чиқариб, бир ота-онанинг болаларидек аҳиллик билан меҳнат қилдилар.

Мўл ҳосил кўзларни қувонтирди. Йиғим-терим уюшқоқлик билан бошланди. Холбуви опанинг ўзи яна пўлат елкан рулига ўтирди. Иш юришиб кетди.

5 кишининг баракали меҳнати туфайли хирмон ҳам баракали бўлди. Бригадада ҳар бир киши ҳисобига 360 центнердан ҳосил кўтарилди. Экишда ҳам, ғўза парваришида ҳам, йиғим-теримда ҳам механизация кенг қўлланилгани туфайли пахтанинг таннархи арзонлашди.

Холбуви опа Тўраеванинг ўзи шу кунгача эл хирмонига «СХМ-48» машинаси билан 130 тоннага яқин «оқ олтин» тўкди.

Бригада маррага етди. Лекин бу биринчи давонни ошиш, холос. Шунинг учун ҳам бригада ишчилари янада астойдил меҳнат қилишиб, зиммага олинган социалистик мажбуриятни ортиғи билан бажариш учун курашмоқдалар. Қолган ҳосилнинг сўнгги граммигача сира нобуд қилмай йиғиб оламиз, бундан буён ишни конвейер усулда ташкил этамиз, келгуси йил мўл ҳосили учун ҳозирдан бошлаб пахта замин тайёрлаймиз! Бригада ишчиларининг ўртага ташлаган шиори ана шу.

Дала ишлари шу шиор остида олиб борилмоқда. Холбуви опа Тўраева ва унинг сафдошлари КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш мақсадида фидокорлик билан ишлашяпти.

Зулфия МИРПЎЛАТОВА,
Янгиер шаҳридаги «Фарҳод» совхози.

ҚЎРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар область **Ҳурмат тахтасига** ёзиладилар

Совхоз ва колхозларнинг бригадалари	Планнинг бажарилиши (Процент ҳисобида)
«Пискент» совхозининг ўртоқ **Д. Жўраев бошлиқ бригадаси**	100.3
«Пискент» совхозининг ўртоқ **А. Каримов бошлиқ бригадаси**	102
Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг ўртоқ **Лян Владимир бошлиқ бригадаси**	126
Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг ўртоқ **А. Алимов бошлиқ бригадаси**	105
Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг ўртоқ **Ю. Абдураҳимов бошлиқ бригадаси**	102
Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг ўртоқ **Ю. Қўлдошев бошлиқ бригадаси**	107
Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг ўртоқ **М. Музаффаров бошлиқ бригадаси.**	100
Бўка районидаги Карл Маркс номли колхознинг ўртоқ **Ш. Очилов бошлиқ бригадаси**	100

РЕСПУБЛИКАМИЗ ОБЛАСТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ҚАНДАЙ БОРАЯПТИ

14 ноябргача Хоразм области бир кунда 1,09 процент, мавсум бошидан бери 100,34 процент, Андижон области бир кунда 0,45, мавсум бошидан бери 85,79 процент, Қорақалпоғистон АССР бир кунда 1,12, мавсум бошидан бери 84,12 процент, Сурхондарё области бир кунда 0,19, мавсум бошидан бери 80,28 процент, Самарқанд области бир кунда 0,64, мавсум бошидан бери 76,19 процент, Фарғона области бир кунда 0,37, мавсум бошидан бери 74,81 процент, Тошкент области бир кунда 0,57, мавсум бошидан бери 70,72 процент, Бухоро области бир кунда 0,46, мавсум бошидан бери 68,39 процент пахта тайёрладилар.

Республика бўйича бир кунда 0,53, мавсум бошидан бери 79,32 процент пахта тайёрланди.

ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ

(14 ноябргача бўлган маълумот)

Районлар ва совхозларнинг номи	Бир кунда процент ҳисобида: Мажбурият	Бир кунда процент ҳисобида: План	Мавсум бошидан процент ҳисобида: Мажбурият	Мавсум бошидан процент ҳисобида: План	Машина терими, мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида: Бир кунда	Машина терими, мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида: Мавсум бошидан
РАЙОНЛАР БЎЙИЧА						
Юқори Чирчиқ	0,58	0,71	93,31	114,44	—	113,34
Қуйи Чирчиқ	0,64	0,73	77,64	89,32	1,20	81,53
Ўрта Чирчиқ	0,43	0,54	72,92	80,05	1,21	58,33
Бўка	0,55	0,60	70,53	77,14	1,76	82,97
Чиноз	0,49	0,52	69,25	73,90	—	41,28
Пискент	0,48	0,53	68,87	76,52	—	72,90
Сирдарё	0,35	0,37	63,69	68,14	0,90	62,47
Оққўрғон	0,41	0,45	63,05	69,14	0,50	55,58
Янгийўл	0,57	0,65	60,32	68,42	0,06	44,92
Оржоникидзе	0,49	0,57	60,01	70,05	—	38,80
Гулистон	0,55	0,64	56,40	64,72	0,52	45,73
Янгиер шаҳри	0,62	0,67	55,93	60,74	1,55	60,92
Бекобод	0,49	0,57	54,11	62,66	1,38	50,05
Область бўйича:	**0,52**	**0,57**	**64,36**	**70,72**	**0,87**	**57,60**
СОВХОЗЛАР БЎЙИЧА						
«ЎзССР беш йиллиги»	0,61	0,69	75,83	85,51	1,17	82,29
«Пискент»	0,62	0,70	67,78	76,73	—	79,43
«Бўка»	0,48	0,60	67,34	84,18	1,38	91,81
«Малик»	0,35	0,42	66,37	79,64	0,52	79,30
«Фарҳод»	0,76	0,78	60,74	62,09	0,85	65,20
«Социализм»	0,88	1,11	59,80	75,23	0,43	55,43
«Оққўрғон»	0,40	0,44	59,67	65,84	0,27	57,29
1-«Далварзин»	0,41	0,46	59,27	66,23	1,11	60,85
«Гулистон»	0,56	0,92	58,31	96,14	1,38	60,80
1-«Боёвут»	0,40	0,44	58,24	64,24	2,22	62,93
Киров номли	0,36	0,41	55,68	64,20	—	39,54
3-«Боёвут»	0,85	0,92	53,22	57,74	2,07	70,30
«Мирзачўл»	0,43	0,54	52,49	66,09	—	29,08
2-«Далварзин»	0,37	0,46	48,73	61,58	1,00	55,67
«Чаноқ»	0,29	0,39	48,60	63,64	0,78	42,11
2-«Боёвут»	0,34	0,36	43,84	46,40	0,90	50,30
«Дружба»	0,36	0,38	38,68	40,52	—	8,29

УКРАИНА САНЪАТИ КЎРИГИ БОШЛАНДИ

12 ноябрда Москвада Украина адабиёти ва санъати декадаси тантанали вазиятда бошланди.

Декаданинг программаси ҳар қачонгидан кўра бой. Москва ўзининг энг яхши театрлари ва концерт залларини меҳмонлар ихтиёрига топшириб қўйди. Қардош халқлар адабиёти ва санъати байрамларида бўлгани каби, бу сафар ҳам ССР Иттифоқи Большой театри ҳамманинг диққат марказида бўлди. Бу ерда Г. Майбороданинг «Арсенал» операси саҳнага қўйилди. Бу асарни Т. Шевченко номли Украина опера ва балет театрининг артистлари ижро этдилар. Бу опера Украинада Совет ҳокимияти ўрнатилишига бағишланган.

Москваликлар шу куни И. Франко номли Украина драма театри, Т .Шевченко номли Харьков драма театри, Леся Украинка номли Киев рус драма театрининг янги постановкалари билан танишдилар. Талантли украин халқининг вакиллари — рақс ва хор ансамбллари, цирк ва эстрада мастерлари кўпгина концерт заллари ва Маданият саройларида юксак маҳоратларини намойиш қилдилар. «Совет Украинаси» номли тасвирий санъат виставкаси ва фотовиставка очилди. Украина санъати кўриги бошланди.

СССР Большой театрида «Арсенал» операсида ҳозир бўлган А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, Ф. Р. Козлов, А. Н. Косыгин, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Мухитдинов, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрущев, П. Н. Поспелов, Д. С. Коротченко ўртоқлар, Октябрнинг 43 йиллиги байрамида қатнашиш учун Москвага келган социалистик мамлакатлар партия-ҳукумат делегацияларини ва қардош коммунистик ҳамда ишчи партиялари делегацияларининг раҳбарларини ва аъзолари декада қатнашчиларини гулдурос қарсаклар билан табрикладилар.

Залда Украина ССР Министрлар Советининг раиси Н. Т. Кальченко, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. Д. Скаба, республика маданият министри Р. В. Бабийчуклар ҳам бор эди. (ТАСС).

Финляндия Республикасининг президенти У.-К. Кекконеннинг Совет Иттифоқига қиладиган визитига доир

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев шу йил сентябрь ойида Финляндияда бўлган вақтида Финляндия Республикасининг президенти У.-К. Кекконеннинг Москвага визити тўғрисида бамаслаҳат бир фикрга келинган эди. Президент У.-К. Кекконен 20 ноябрда расмий визит билан поездда жўнайди ва 21 ноябрь эрта билан Москвага келади. Президент 24 ноябрь кечқурун Москвадан жўнаб, 25 ноябрда Хельсинкига қайтиб келади.

Хоразм пахтакорларининг меҳнат ғалабаси

(Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ш. ШАМСУДДИНОВ билан суҳбат)

Хоразм областининг меҳнаткашлари КПСС XXI съезди ва партия Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар давлатга пахта сотиш йиллик планини республикада биринчи бўлиб бажардилар ва Ватанга 233 минг тонна «оқ олтин» бердилар, бу эса ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда 5 минг тоннадан ҳам ортиқдир. Ҳар гектар ердан 23,8 центнердан ҳосил олинди.

Бу муваффақиятлар пахта етиштиришда прогрессив усулларни, меҳнатни ташкил этишнинг янги формаларини қўлланиш натижасида қўлга киритилди. Бутун майдонининг 84 процентидаги ғўза машина билан узунасига ва кўндаланигига парвариш қилинди. Ҳисоблар колхозларнинг қўл меҳнатини суриб чиқариш йўли билан 240 минг-дан кўпроқ киши куни тежаганликларини кўрсатди.

Пахтакорлар мўл ҳосил етиштириш учун курашда об-ҳаво шароитининг ноқулай келиши орқасида рўй берган кўп қийинчиликларни бартараф қилдилар. Қарийб 50 минг гектар ерга чигитни қайта экишга тўғри келди. Буларнинг ҳаммаси ғўзанинг ривожини 20 кунга кечиктирди. Аммо колхозчилар, механизаторлар, ирригаторлар, агрономларнинг қаҳрамонона меҳнати натижасида мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдик. Бу эса, планнигина эмас, балки олинган мажбуриятларни ҳам ошириб бажариш имконини беради. Олинган мажбурият эса ғоят масъулиятли бўлиб, давлатга 260 минг тонна пахта сотишни кўзда тутади. Хоразм области илгари ҳеч қачон шунча пахта етиштирмаган эди.

Пахта терими даврида йиллик топшириқларни муддатидан илгари бажариш учун районлар, колхозлар, бригадалар ва звенолар ўртасида социалистик мусобақа қизиб кетди. Янгиариқ районининг пахтакорлари биринчи бўлиб рапорт бердилар. Улар ҳосилдорлик жиҳатидан етти йилликнинг охири учун белгиланган даражага эришдилар ва планга қўшимча равишда 9 минг тонна «оқ олтин» топширишга қарор бердилар. Шовот ва Гурлан районлари ҳам пахта тайёрлаш планларини муваффақиятли бажардилар.

Бир қанча колхозлар деҳқончилик маданиятини юксалтириб, илғор агротехникани жорий қилиб, катта майдонларда мўл ҳосил олдилар. Янгиариқ районидаги Нариманов номли колхоз ҳар гектар ердан 35 центнердан пахта олди. Шовот районидаги «Москва», Киров номли колхозлар, Қўшкўпир районидаги Охунбобоев номли колхоз ҳар гектар ердан 30 центнер ва бундан ҳам кўпроқ пахта етиштирдилар. Илғор бригадалар, жумладан Гурлан районидаги Сталин номли колхознинг Л. Ким бошлиқ бригадаси, Янгиариқ районидаги Нариманов номли колхознинг А. Нурметов бошлиқ бригадаси жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Ана шу бригадалар ҳар гектар ердан 45 центнер ва бундан ҳам кўпроқ пахта олдилар.

Теримчилар ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қилдилар. 16 мингга яқин киши кўпмингчилар сафига қўшилди. Уларнинг кўплари фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Янгиариқ районидаги «Биринчи май» колхозининг аъзоси Бинажон Болтаева 20 тоннадан кўпроқ пахта топширди. Урганч районидаги Охунбобоев номли колхозининг аъзоси Қурбонжон Худойберганова, Олтиариқ районидаги «Коммуна» колхозининг аъзоси ўтилжон Қурбонова, XX партсъезд номли колхознинг аъзоси Гулсара Сапаева, Гурлан районидаги Карл Маркс номли колхознинг аъзоси Турсун Саитбоева, Шовот районидаги Ленин номли колхознинг аъзоси Қурбонбека Пиржонова ва бошқа неча юзлаб кишилар 15 тоннадан ва бундан ҳам кўпроқ пахта тердилар.

Область партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмасини бажара бориб, пахтани машинада теришга анча катта эътибор берди. Агрегатлар билан 41 минг тоннадан кўпроқ ёки ўтган йилдагига нисбатан бир ярим баравар эиёд пахта терилди ва машина терими плани ортиғи билан бажарилди Механик-ҳайдовчиларнинг ҳаммаси малакани ошириш курсларида ўқиди. 115 қиз Турсуной Охуновадан ибрат олиб, биринчи марта пахта териш машиналарини бошқарди. Уларнинг кўпи топшириқни муваффақиятли бажармоқда. Шовот районидаги Киров номли колхознинг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Авадан Дўсова, Гурлан районидаги Сталин номли колхознинг аъзоси комсомол Мая Нам, Урганч районидаги «Пахтакор» колхозининг аъзоси Ойша Жуманиёзова, Қўшкўпир районидаги Калинин номли колхознинг аъзоси Сора Маткаримовларнинг ҳар бири 150 тоннадан ва бундан ҳам кўпроқ пахта топширдилар.

Тажрибали механизаторлар ҳам яхши ишладилар. Янгиариқ районидаги Ленин номли колхознинг аъзоси Матназар Абдуллаев, Хива районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг аъзоси Машариф Иброҳимов, Гурлан районидаги «Москва» колхозининг аъзоси Павел Ким ва бошқалар машинада 200 тоннадан «оқ олтин» териб олдилар ва ёш механизаторларга катта ёрдам кўрсатдилар.

Областнинг далаларида ҳали пахта кўп. Хоразм меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини янги муваффақиятлар билан — бутун пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ва шудгорни ўз вақтида ўтказиш билан нишонлашга қатъий бел боғлагандирлар.

Илғор хўжаликлар келгуси йилнинг ҳосили тўғрисида зўр ғамхўрлик қилмоқдалар. Ҳамма жойда кузги-қишки тадбирлар кўрилмоқда. Далалардаги ғўзапояларни йиғиштириб олиш билан бирга ерлар ҳайдаб қўйилмоқда. Тўққиз мингдан кўпроқ киши ирригация шохобчаларини тозаламоқда. Катта кўл коллектори қурилиши суръатлари ҳам тезлаштириб юборилди. Бу коллекторнинг ишга туширилиши неча ўнлаб колхоз ерларининг мелиорация ҳолатини яхшилаш, экин майдонларини анча кенгайтириш имконини беради.

Пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш соҳасида эришилган муваффақиятлар меҳнаткашлар ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтириш натижасидир. Партия ташкилотлари хўжалик масалалари билан конкрет ва оператив шуғуллана бошладилар, пахтакорларнинг ва чорвадорларнинг ижодий активлигини кучайтирдилар, резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланишга катта эътибор бермоқдалар.

Қишлоқ коммунистларини жойлаштиришда ҳам катта силжишлар бор. Партиянинг тўрт минг аъзосидан уч мингдан кўпроқ киши ҳозирги пайтда колхоз ишлаб чиқариши билан бевосита шуғулланмоқда. Коммунистлар сафи энг яхши ходимлар ҳисобига кенгайиб бормоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1959 йил декабрь Пленумидан кейин қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши илғорларидан 365 киши партия аъзолигига қабул қилинди. Колхозларнинг раислари ва бригада бошлиқларининг сифат состави яхшиланди. Колхозчиларни партия томонидан қўйилган вазифаларни бажаришга сафарбар эта оладиган ташаббускор кишилар, қишлоқ хўжалик мутахассислари колхозларга раҳбарлик қила бошладилар.

Хоразм областининг меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб кутиб олиш социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш, мамлакатимизда коммунизм қурилиши ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар қиладилар. (ЎзТАГ).

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

ДЕПУТАТЛАР—ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИ

Чиноз районида пахта йиғим-терими қизғин давом этмоқда. Маррага яқинлашилгани сари кураш тобора кескин тус олаётир. Ҳамма далада. Теримчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар орасида район ва қишлоқ Советларининг кўпгина депутатларини ҳам учратиш мумкин.

Мана, Эски Тошкент қишлоқ Советининг депутати Мукаррам Зокирова. У қишлоқ Советининг пахта теримида бевосита иштирок этаётган 46 депутати қатори Навоий номли колхозда пахта тераяпти. Мукаррамни колхознинг пешқадам теримчиси дейишади. Чунки у, шу кунларда ҳам хирмонга 100 килограммдан ошириб пахта тўкмоқда. Мавсум бошидан бери терган пахтаси эса ўн тоннага яқинлашиб қолди.

Мукаррамда депутатга хос ташаббус бор. Пахта йиғим-теримини бошлаш арафасида ўтказилган йиғилишда сўз олиб, ўз зиммасига мавсумда 10 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олган ва бошқаларни кўпминг килограммчилар ҳаракатини авж олдиришга чақирган эди. Унинг чақириғига биринчи бўлиб қишлоқ Советининг депутати Собира Мирзамуротова қўшилди.

Собира ҳам чакана ғайрат билан ишламади. Кун сайин кўп пахта териб, кўпчилик олдида берган ваъдасининг устидан чиқиш учун ҳаракат қилди. Сентябрь ва октябрь ойларида айрим кунлари 200 килограммдан ошириб пахта терди. Ҳозир ҳам кунлик терим нормасини ошириб бажараётир. Қишлоқ Советининг депутатларидан фақат Мукаррам ва Собирагина эмас, балки Т. Мусаев, Р. Эрматова ва бошқа ўртоқлар ҳам пахта теримида ана шундай намуна кўрсатиб ишламоқдалар.

Й. УРИНБОЕВ.

Техника кенгашининг вазифаси жамоатчиликка топширилди

Тошкент экскаватор заводи бўлимлари рўйхатида тўртта лаборатория бор эди, ҳозир эса битта қолди. Бу лаборатория илгарги тўртта лабораториянинг ишини бажариш билангина чекланмасдан, ўз зиммасига яна бир қанча қўшимча вазифаларни олди.

Илгари лаборатория фақат жорий ишлаб чиқаришни контроль қилар эди. Энди эса у техника тараққиёти учун курашнинг чинакам қатнашчиси бўлиб қолди. Лабораторияни қайта ташкил қилишга инженер Ю. М. Ломоносов бошчилик қилди. Ломоносов — машинасозлик саноати илмий-техника жамиятининг активистидир. Ҳисоблаб кўриш бирлашган лаборатория ўз зиммасига қўшимча вазифалар олиши мумкинлигини кўрсатди. Унинг таркибида металлографика ва электромеханика бўлимлари пайдо бўлди.

Лабораториянинг иш характери ҳам ўзгарди. Жорий ишлаб чиқариш устидан контроль янги материаллар ва прогрессив технологияни жорий қилиш соҳасидаги тадқиқотлар билан мослаб олиб борилмоқда. Масалан, марказий лаборатория иштирокида янги «Э-401» экскаваторининг ўнта турли деталлари капрондан тайёрланмоқда.

Юздан ортиқ инженер, техник ва ишчиларни уюштирадиган илмий техника жамиятининг завод ташкилоти кўпгина ана шундай тадбирларни амалга оширди. Завод техника кенгаши вазифасини жамоатчиларга топшириш ҳақидаги маъмуриятнинг қарори корхона ҳаётида бу ташкилот ролининг қанчалик ўсганлигидан далолат бериб турибди. Жамият аъзолари ана шу органнинг тавсияси билан қуйиш, пайвандлаш, универсал наладка штампларни тайёрлашнинг прогрессив методларини муваффақиятли жорий этишга ёрдам бердилар. Бу тадбирлар заводга катта иқтисод бермоқда (ЎзТАГ).



Мирзачўлдаги қўриқ ерларни ўзлаштириш учун бир қанча йирик гидротехника иншоотлари қурилди. Жумладан, Янгиерда ўзлаштириладиган ерларга сув етказиб берувчи кучли насос станцияси қуриб битказилди. Суратда: станция оператори ўртоқ И. Исабоев бошқариш шчити олдида.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

ҲАМЗА ҲАҚИДА ЛЕКЦИЯЛАР

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида маданият университети ташкил этилганига уч ойча бўлиб қолди. Ўтган бу қисқа давр ичида университет тингловчилари ўзбек халқининг маданияти ва тарихига оид ўнга яқин лекция тингладилар.

Университетнинг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги машғулоти Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланди. Филология фанлари кандидати Л. Қаюмов «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий — ўзбек совет адабиётининг асосчиси» деган темада қизиқарли суҳбат ўтказди. У атоқли адиб фаолияти билан боғлиқ бўлган кўпгина фактларни келтириб, унинг янги топилган асарларидан парчалар ўқиди.

Тингловчилар илтимосига кўра, навбатдаги машғулот ҳам Ҳамза ижодига бағишлаб ўтказилади.

Д. МЎМИНОВА.

Жамоатчилик миннатдор

Кечки пайт. Корхоналарнинг ишчи ва инженер-техник ходимлари, муассаса ҳамда ташкилотларнинг хизматчилари аллақачон иши тамомлаб, уйларига қайтишган. Кўчалар жим-жит. Фақат яқиндаги кинотеатрдан музика ва ашула овози, хонадонлардан радиоприёмник садоси эшитилади. Унумли меҳнатдан кейин бировлар оиласда, бошқалар эса ёру-биродарлари билан биргаликда кинофильмни тамоша қилиб, осойишта дам олаяпти.

Лекин кўчаларнинг муюлишида, кинотеатр ва бошқа кўнгил очиш жойлари олдида атрофга ҳушёрлик билан зеҳн ташлаб турган йигит ва қизлар кишининг эътиборини жалб қилади. Булар кимлар, нима учун ҳамма дам олаётганда қандайдир алоҳида вазифани адо этишаяпти? Булар халқ осойишталигининг посбонлари — кўнгилли халқ дружиначилари!

Оржоникидзе районининг корхоналари, колхозлари, муассаса ва ташкилотлари, ўқув юртларидан 49 тасида кўнгилли халқ дружиналари ташкил этилган. Уларнинг составида 1000 дан ортиқ йигит ва қиз иш олиб бормоқда.

Кейинги вақтда район территориясида жамоат тартиби анча яхшиланди, жиноят қилиш ҳоллари кескин равишда камайди. Бу — кўнгилли халқ дружиначиларининг актив фаолияти натижасидир.

Шунга қарамай, ҳозир ҳам кўпчилик осойишини бузувчи ёки жиноят қилувчи айрим шахслар учраб туради. Лекин улар дружиначилар назаридан қочиб қутилолмаётирлар.

Яқинда мебель фабрикасининг дружиначилари бировнинг уйига ўғирликка тушган икки номаълум шахсни ушлаб, милиция бўлимига олиб келдилар. Кооператив кўчасида турувчи Афанасьев ярим кечаси маст ҳолда кўчада гандираклаб юрганда уни дружиначи Шодиев уйига олиб бориб қўйди. Қибрай сельпосининг 10-магазинида ишловчи Мирзаалиева ароқни юз граммлаб стаканга қуйиб сотаётганида дружиначилар қўлга туширдилар ва акт тузиб, тегишли ташкилотга юбордилар. Ичкилик ичиб маст бўлиб «Ботаника» дам олиш уйида дам олувчиларнинг тинчлигини бузганга ва уларни ҳақорат қилгани учун Диктаров, Соловьев, Усмонов ва Шчербаков исмли безориларни дружиначилар ушлаб, милиция бўлимига олиб келдилар. Иш судга оширилди. Жиноятчилар қилмишларига яраша жазоландилар.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳаммадан муҳими шундаки, кўнгилли халқ дружиначиларининг жамоат тартибини сақлаш ва жиноятга қарши кураш йўлида олиб бораётган иши яхши натижалар бераётир. Шу туфайли улар тобора катта обрў қозонмоқдалар, жамоатчиликнинг миннатдорчилигига сазовор бўлаётирлар.

А. ХОЛИҚОВ.

ПОЙАФЗАЛЧИЛАР

Фабриканинг ўша таниш ва қадрли дарвозаси. Усмон ака мана 18 йилдан бери ана шу дарвозадан кириб чиқади. Лекин шунга қарамай, ҳар гал у дарвоза олдига келганда юраги гуп-гуп уриб кетади. Усмон ака дарвоза ичида қийин бир имтиҳон кутиб турғандай туюлади. Ҳа, ҳақиқатда ҳам шундай. У ўз иш жойида ҳар куни имтиҳондан ўтади. Меҳнаткашларнинг юксак дидига жавоб берадиган оёқ кийимлари тайёрлаш ҳам ўз йўлига бир синов. Усмон ака шу хаёлларга берилиб цехга кириб келди. Ҳали иш бошланишига деярлик ярим соат бор. Лекин Усмон ака жим ўтирмади. У ўз бригадаси ишлайдиган майдонни, у ердаги турли асбоб-ускуналарни бирин-кетин синчиклаб кўздан кечирди. Ҳамма нарса жойида экан. Бундан бригадир беҳад хурсанд бўлди. Бу ўртада бригада аъзолари бирин-кетин келишиб, ўз иш жойларини эгаллашди. Ҳадемай агрегатлар бир меёрда ишга тушиб кетди.

Усмон ака ишчилар меҳнатини енгиллаштирган, улар ишининг баракасини оширган, сифатли, нафис ва бежирим пойафзал ишлаб чиқаришга ёрдам бераётган агрегат ва машиналарни бошқараётган ўз касбдошларининг ишини завқ билан кўздан кечиради. У ана шу корхона даргоҳига келганда бу машиналарнинг бирортаси ҳам йўқ эди-да. Унинг бу ҳолатини сезган шогирди Ҳамидулла деди:

— Ҳа, устоз, машиналар ишини худди янги келган кишидек тамоша қилаяпсиз?

— Шундай қилсак арзимабдими. Бундан 18 йил бурун шу цехга ишга келганимда бунақа машиналар қаёқда эди, дейсан. Ўшанда ишимиз унумсиз эди. Ҳар куни 30 — 40 жуфт оёқ кийимини қолипга тортсак, дўппимизни осмонга отардик.

— Йўғ-э, жудаям шунақа бўлмаса керак, — гап қотди ишчиларнинг бири.

— Бу гапларни ҳаводан олаётганим йўқ. Ҳақиқатда ҳам шундай эди. Ҳозир эса роҳатижон бўлиб қолди. Ҳамма ишни машиналар қилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир киши ўша вақтдаги ўн кишининг ишини қилмоқда. Машинанинг қадрига етиш керак. Уни қанчалик ардоқласанг, шунчалик яхши ишлайверади...

Усмон Иброҳимов ҳалол меҳнати туфайли коллектив орасида катта обрў қозонди. Ўз касбини пухта эгаллаган моҳир пойафзалчи ҳозирги вақтда катта бир бригадага раҳбарлик қилмоқда. Ҳар бир кишининг унумли ишлаши учун қўлидан келганича ёрдам беради. Уларни материаллар билан етарли таъминлайди. Шунинг учун ҳам бригада корхона бўйича энг юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Смена топшириқларини 200 процентгача етказиб адо этиш одат бўлиб қолди.

Тажрибали пойафзалчи жуда кўп шогирдлар етиштирди. Унинг қўлида касб ўрганган ва унга ихлос қўйган ишчиларни фабриканинг барча цехларида учратиш мумкин. Кўпгина шогирдлари корхонада донг тартади. А. Одилов, Х. Абдуллаев, Т. Мирзаев, А. Аҳмаджонов, С. Шченитин ва бошқалар шулар жумласидандир. Усмон аканинг тарбиясини олган бу ёш ишчилар ўз касбларини жон-дилдан севишади, меҳнатда бошқаларга ўрнак бўлишади.

Усмон ака раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашни тобора қизитмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги ишлаш билан бирга, турли ўқув юртларида билим доираларини кенгайтиришяпти. Пешқадам ишчилардан Юсупов кечки тўқимачилик институтининг 1- курсида ўқимоқда. Шермуҳамедов, Красноухова, Исҳоқов, Усмонов, Раҳимбердиев ва бошқалар кечки ишчиёшлар мактабида таълим олишаётир, партия ва комсомол маорифи тўгараклари машғулотларига қатнашмоқдалар.

Шу кунларда Усмон ака бригадаси КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун бошланган умумхалқ ҳаракатида актив иштирок этмоқда. Сўзи билан иши бир бўлган қолипчилар бу мусобақада ҳам юксак кўрсаткичларга эришиб, бошқаларни ўз орқаларидан эргаштириб бораётирлар.

Н. ОМОНОВА,
Тошкентдаги 2- пойафзал фабрикаси.

Улар ҳақиқий мутахассис бўлиб етишадилар

Ўрта Осиё Политехника институти кимё-технология факультетининг II курс студентлари ўқишга кирган кунларидан бошлаб Тошкентдаги лак-буёқ заводида мутасил ишлаб келмоқдалар. Улар кундузи ишлаб, машғулотни кечқурунлари ўтказадилар. Завод мутахассислари ёрдами билан студентлар 3 ойдаёқ станокларни бошқаришни ўрганиб олдилар.

Шу кунларда студентлар смена топшириғини мустақил бажармоқдалар. Шу билан бирга уларнинг дарсларни ўзлаштириши ҳам яхши бўляпти. Чунки студентлар билимни ишлаб чиқариш билан боғлаб олиб боришаётир.

Шунингдек, институтнинг қурилиш факультети студентлари ҳам Тошкентдаги энг йирик қурилишларда мустақил ишламоқдалар.

Ю. Қодиров,
О. Одамбаев.

* * *

Тошкент қишлоқ хўжалик техникуми зооветеринария факультетининг 64 кишидан иборат 5-курс студентлари Тошкент, Бухоро ва Сурхондарё областларининг чорвадор колхоз ва совхозларида ишлаб чиқариш практикасини ўтаётирлар.

Тошкент наслчилик совхозида тажриба ўтказаётган студентлар шу кеча-кундузда чорва фермасидаги молларни профилактик кўрикдан ўтказиш ва сигир, қўйларни сунъий усулда қочиришда актив иштирок этмоқдалар. Практикант студентлардан Абдулла Маҳкамов, Тўлқин Юнусов, Алла Субатина, Ҳасан Қодиров ва Неъматулла Қарчиев каби ёшлар 6200 бош майин жунли қўйларни, 554 қорамолни, 1000 бош чўчқани икки мартадан турли касалликка қарши профилактик эмлашда ветврачларга кўмаклашдилар.

Назарияни тажриба билан мустаҳкамлаб бораётган бу студентлар ҳақиқий мутахассис бўлиб етишадилар.

Б. Умаров.

Юбилейга тайёргарлик

Доҳи Ленин декрети билан ташкил этилган Тошкент давлат университети 40 йиллик шарафли даврни босиб ўтди. Шу кунларда университетда шонли кунни — Ўрта Осиёда дастлабки маърифат ўчоғи бўлган университетнинг 40 йиллик юбилейини муносиб нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Университетнинг юридик факультети илмий сессиясида доцентлардан Аҳмедов, Расулев ўртоқлар «40 йил ичида юридик билимлар тараққиёти тўғрисида», «Янги жиноят кодексини қабул қилишда университет юридик факультетининг иштироки» деган темаларда доклад қиладилар. Шунингдек, студентлар томонидан ёзилган диплом ишларидан илмий тўплам тайёрланмоқда.

География факультети студентлари эса юбилей кечаси ўз талантларини намойиш қиладилар. Айниқса, бадиий ҳаваскорлар тўгараги ҳамда хор группаси иштирокчилари зўр қизиқиш билан тайёргарлик кўришяпти. Улар ижро этадиган шўх рақс ва ёқимли куйлар телевизор экрани орқали ҳам кўрсатилади.

Гимнастикачи студентлар юбилей кечасида турли гимнастика машқларини намойиш қиладилар. Факультетда юбилейга атаб деворий газета ва фотомонтаж тайёрланди.

Т. ИБРОҲИМОВ,
А. РАЗЗОҚОВ,
Р. ТУРАХУЖАЕВА,
Н. МАҲКАМОВА.


Полимер металл ўрнида

Ўтган йили Ўрта Осиё политехника институтининг химия-технология факультетида синтетик полимерларни ўрганиш лабораторияси ташкил этилган эди. Лабораториянинг асосий вазифаси полимер материалларидан халқ хўжалигида кенг қўлланиш, айниқса саноатда фойдаланишнинг янги усулларини топиш бўйича илмий-текшириш иши олиб боришдир.

Ана шу қисқа вақт ичида лабораторияда дастлабки натижалар қўлга киритилди. Жумладан, машинасозлик саноатида айрим деталлар латун металидан тайёрланарди. Кўп металл талаб қилувчи айрим детални полимердан ясалган пластмасса билан алмаштириш натижасида машинанинг вазни ҳам енгиллашади, таннархи ҳам камаяди. Электр предохранителнинг трубкаси аввал бир-бирига латун метали билан бириктирилар эди. Лаборатория илмий ишлари натижасида полимер металл ўрнида ишлатилмоқда, яъни эпоксид смоласи ёрдами билан янги ёпиштирувчи модда топилиб, клей сифатида латун ўрнига ишлатилмоқда.

Тажрибанинг кўрсатишича, бир йил ичида 50 тоннадан ортиқроқ қимматбаҳо латун метали тежаб қолинади. Лаборатория ихтироси саноатимизда кенг қўлланилаётир.

М. ТУРОБОВА.



В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг коллективи етти йилликнинг иккинчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун мусобақани кун сайин қизитмоқда. Суратда: завод мартен цехининг умумий кўриниши.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Мастер — ишлаб чиқаришда ҳал қилувчи фигура. Бевосита иш жойининг ўзида меҳнатни ташкил этиш, кишиларнинг қобилияти ва малакасига караб, уларни жой-жойига қўйиш ва шу йўл билан ишнинг муваффақиятини таъминлаш даставвал мастерга боғлиқдир. «Чирчиксельмаш» заводи партия бюроси давлат планларининг тақдири кўп жиҳатдан мастерларга боғлиқ эканлигини ҳисобга олиб, уларнинг малакасини ошириш қай аҳволда эканлиги билан танишиш мақсадида бу масалани ўзининг навбатдаги мажлисларидан бирида муҳокама қилди. Унда завод директорининг кадрлар бўйича ўринбосарининг доклади эшитилди. Шу нарса аниқландики, кейинги пайтларда корхонада кадрларнинг малакасини ошириш бирмунча жонланди, мастерлар сафи техникани яхши биладиган, етарли маълумотга эга бўлган ишлаб чиқариш илғорлари ҳисобига ўсди. Кўпгина мастерлар ўз билимларини ошириш мақсадида уч йиллик мастерлар курсида, кечки машинасозлик техникумида ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда сиртқи олий ўқув юртларида таълим олмоқдалар. Лекин баъзи цехларда, чунончи, 3 ва 4-цехларда зарур маълумотга эга бўлмаган кишилар смена мастерлари бўлиб ишламоқдалар.

Партия бюроси техника тараққиётининг тақдирини билимдон кишилар ҳал этишини ҳисобга олиб, корхона маъмурияти зиммасига етарли техника билимига эга бўлмаган мастерлар учун техника минимумлари курсини ташкил этиш вазифасини юклади. Бундан ташқари, ҳар ойда инженер-техник ходимлар ва мастерлар учун фан ва техника янгиликлари ҳақида лекциялар уюштириб туриш лозим деб топилди. Цех бошлиқлари, партия ташкилотларининг секретарлари ва цехком раисларига йиғилишларда айрим мастерларнинг ўз ишлари ҳақидаги ҳисобини эшитиб туриш, уларнинг ўз устларида ишлашларига ёрдам бериш тавсия этилди.

Орадан икки ой ўтгач, ана шу қарорнинг қандай бажарилаётганлиги масаласи кўрилди. Партия бюроси мастерлар малакасини ошириш курслари ўз ишини бошлаб юборганлигини қайд қилиб ўтиш билан бирга, унинг ишини янада жонлантириб юбориш ҳақида йўл-йўриқлар кўрсатди.

Завод партия бюроси КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарорига қатъий амал қилиб, пропагандани янги форма ва методларини кенг қўллашга, сиёсий ўқишнинг талабга мақбул формаларини топишга ҳаракат қилмоқда. Корхонада 11 та тўгарак, шу жумладан 3 та конкрет экономикани ўрганиш тўгараги, 3 та партия тарихини ўрганиш тўгараги ва 5 та сиёсий мактаб ишлаб турибди. Тўгаракларнинг машғулотларида қарийб 200 киши ўз сиёсий билимини оширмоқда. Бу тўгаракларга ҳар бир коммунист, ҳар бир партиясиз ходимнинг қизиқиши, умумий тайёргарлиги ва сиёсий билими ҳисобга олиниб жалб қилинди. Тўгараклардаги машғулотлар ойига тўрт марта мунтазам равишда ўтказиб турилибди.

Партия маорифи системасида сиёсий ўқишнинг хилма-хил формаларининг вужудга келиши тингловчиларнинг маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондирмоқда, уларни қизиқтираётган масалалар юзасидан ҳар тарафлама билим олишларига имкон бермоқда. Сиёсий ўқиш кадрларнинг назарий билимларини ошириш, ҳаёт билан, коммунистик қурилиш практикаси билан, корхона олдида турган конкрет вазифалар билан маҳкам боғлаб олиб борилмоқда. Бу эса машинасозларнинг онги ва активлигини оширишга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, коллективни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга ёрдам бераётир.

Корхона бухгалтерлари, экономистлари ва нормаловчилари учун ҳам махсус курс ташкил этилди. Бу курсда «Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини планлаштириш», «Асосий ва оборот фондлари», «Саноатни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш», «Меҳнатни нормалаш» каби темалар завод ҳаёти билан маҳкам боғланган ҳолда ўрганилди. Курсдаги машғулотларни завод директори, унинг ўринбосари, план-иқтисод бўлимининг бошлиғи каби назарий тайёргарлик ва бой тажрибага эга бўлган пропагандистлар олиб бордилар.

Партия маорифи системасидаги ўқишнинг муваффақияти бевосита шу машғулотларни олиб борадиган пропагандистнинг маҳоратига, назарий ва практик тайёргарлигига боғлиқдир. Корхонадаги конкрет экономика, КПСС тарихини ўрганиш ва сиёсий ўқиш тўгаракларининг машғулотларига Станков, Кадряев, Вишневский, Алямин, Дементьев, Великий, Воронцов Пономаренко, Ким ўртоқлар каби етарли назарий ҳамда практик тажрибага эга бўлган пропагандистлар раҳбарлик қилмоқдалар. Улар марксча-ленинча ўқишнинг савиясини янада ошириш, олиб борилаётган машғулотларни етти йилликнинг улуғвор вазифалари билан, корхона олдига қўйилаётган конкрет талаблар билан узвий равишда боғлаб олиб бормоқдалар.

Корхона партия ташкилоти тўгаракларнинг ишидан доимо кўз-қулоқ бўлиб турибди, уларни зарур адабиётлар, ўқув программалари ҳамда кўргазмали қуроллар билан таъминлаш ҳақида ғамхўрлик қилиб келмоқда. Кейинги пайтда партия бюросининг ташаббуси билан бевосита бир қанча цехларда, чунончи, пўлат қуйиш ва темирчилик-пресс цехида конкрет экономикани ўрганиш тўгараклари ташкил этилди. Корхона коллективи олиб бораётган катта курашга имкони борича кўпроқ ўз улуши, ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида кўпгина оддий ишчилар ҳам ана шу тўгарак машғулотларида қатнашиш истагини билдирдилар. Партия ташкилоти уларнинг бу хоҳишини амалга оширмоқда. Тўгарак қатнашчилари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг хўжалик сиёсатини ўрганмоқдалар, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва шу асосда ўз корхоналарида ишлаб чиқаришни янада юксалтиришнинг йўллари ва усуллари билан таништмоқдалар. Бу эса ўз навбатида завод цех ва участкаларида техника-иқтисодий кўрсаткичларни янада яхшилаш, давлат планларини тўла ҳамда ошириб бажариш имкониятини бераётир.

...Партия бюросига пропагандист ва лекторлар таклиф этилган эди. Кун тартибида лекторлар группасининг аҳволи ва унинг ишини яхшилаш чоралари деган масала турар эди. Мажлис жуда қизиқарли ва жонли ўтди. Сиёсий маориф кабинетининг мудири ўртоқ Киякина завод раҳбарлари, шу жумладан директор ишчилар олдида кам доклад ва суҳбатлар ўтказаётганликларини танқид қилди. Айрим пропагандистларнинг фаолияти таҳлил қилинди. Ҳозир бўлганлар лекторлар группасининг аъзоси ўртоқ Гуляевдан, нега сиз белгиланган темадаги докладни ўз вақтида ўтказмадингиз деб сўрашди.

— Шу кеча-кундузда вақтим жуда зиқ, докладга тайёрлана олмаётирман, — деб жавоб берди ўртоқ Гуляев.

Шунда конкрет экономика тўгарагининг раҳбари, актив пропагандист ўртоқ Станков сўз олди. У ўртоқ Гуляевнинг сўзларини, келтирган баҳоналарини қаттиқ қоралади.

— Иш билан бандман, дейсиз,— деди у касбдошига қараб,—бу баҳона эмас. Сиз ўз зиммангизга юклатилган масъулиятли ва шу билан бирга фахрли вазифани чукур ҳис этмаётирсиз. Биз, ҳаммамиз ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевдан ўрнак олишимиз лозим. Ахир у ҳаммамиздан ҳам кўра кўпроқ банд-ку! Лекин шунга қарамай, Никита Сергеевич ишчилар, колхозчилар, зиёлилар билан уларни қизиқтирган турли масалаларда суҳбатлашишга ҳар доим вақт топади.

Келтирилган далил жуда ишонтирарли эди, шу сабабли унга қарши ҳеч ким эътироз билдира олмади, балки ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси ўз зиммасидаги масъулиятни янада чуқурроқ ҳис этди.

Партия бюросининг қарори асосида сиёсий маориф кабинети лекторларнинг йиғилишларини ва семинарларини ташкил этди. Уларда лекторлар ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар, лекция ва суҳбатларни жонли, тушунарли қилиб, ҳаёт билан, машинасозлар олдида турган вазифалар билан боғлаб олиб боришнинг усуллари ҳақида фикр алмашишди. Партия бюросининг илтимоси билан сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи республика жамияти Чирчиқ шаҳар бўлимининг тажрибали лекторлари завод лекторлари учун семинарлар ташкил этди, уларга методик кўрсатмалар, консультациялар берди. Ўқилаётган лекцияларнинг ғоявий савиясини ошириш мақсадида уларнинг мазмуни билан аввалдан танишиб чиқиш одат тусига кириб қолди. Завод раҳбарлари ҳам ишчилар ўртасида доклад ва суҳбатлар ўтказадиган бўлиб қолдилар. Ўтказиладиган доклад ва суҳбатларга имкони борича тингловчиларни кўпроқ жалб этишни таъминлаш мақсадида лекция планларини ва у лекциялар қачон, қаерда ҳамда қайси вақтда ўтказилишини кўрсатиб, заводда чиқадиган кўптиражли «Сельмашевец» газетасида мунтазам равишда эълонлар бериб бориладиган бўлди. Энг муҳими доклад ва лекцияларнинг ғоявий-сиёсий мазмуни яхшиланди, улар корхона ҳаёти билан мустаҳкам боғланган ҳолда олиб бориладиган бўлиб қолди.

Бу жиҳатдан старший нормаловчи ўртоқ Рудойнинг қуюв цехи ишчилари билан ўтказган суҳбати айниқса характерлидир. Суҳбат маҳсулот сифатини яхшилашга бағишланган эди. Агитатор социалистик саноатимизни юксалтиришда бракни камайтириб, маҳсулот сифатини яхшилашнинг аҳамияти ҳақида муфассал гапириб, сўнгра цехдаги ҳақиқий аҳволга тўхталди.

— Ўтган 1959 йилда 1420 тонна қуйилма брак қилинди ва бунинг оқибатида бир миллион 125 минг сўм зарар кўрилди,— деди у.— Хўш, агарда сиз билан биз маҳсулот сифатини яхшилашга имкон берувчи ҳамма резервлардан ишнинг кўзини билган ҳолда фойдаланганимизда ва зарар оқибатини йўқотганимизда шу бир миллион 125 минг сўмга нималар қилиш мумкин эди? Бу маблағ ҳисобига барча коммунал шароитлари яратиб берилган ва ҳар бири 12 квартирали иккита 2 қаватли уй-жой биносини қуриш ёки заводда ишлаётган барча ишчилар учун дам олиш уйларига путёвка сотиб олиш мумкин бўлур эди. Мана, бу сумманинг қудрати!

Агитатор шундан сўнг қуювчилар олдида маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан турган конкрет вазифаларга ва бу вазифаларни бажаришнинг турли хил йўлларига тўхталди. Шу ернинг ўзидаёқ бир қанча ишчилар иш сифатини яхшилашга қаратилган ўз мулоҳаза ва таклифларини ўртага ташлади. Яхши тайёргарлик кўрилган ва маҳаллий фактлар билан бойитилган бу суҳбат ишчиларнинг ҳар бирида чуқур таассурот қолдирди. Улар агитатор айтган гапларнинг моҳиятига чуқурроқ кириш, у келтирган мисолларнинг мазмуни чақиш, цехда йўл қўйилаётган камчиликларнинг сабабларини аниқлаш ва уларни тугатиш йўллари ҳақида чинакамига бош қотира бошладилар.

Турли тўгараклар ва докладлар, лекция ва суҳбатлар ёрдамида кадрларнинг иқтисодий, техник ва умумий маълумотларини ошириш ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни янада яхшилаш, планлаштириш ва ҳисоб-китоб ишларини тўғри олиб бориш, техникани тараққий эттириш, мавжуд резерв ва имкониятлардан тағин ҳам унумли фойдаланиш имконини бераётир. Завод партия ташкилоти турли йўллар билан машинасозларнинг ғайрати ва ижодий ташаббускорлигини оширишга эришмоқда. Шу сабабли бу корхона коллективи ҳамон илғорлар сафидан ўрин олиб келмоқда.

И. СУЛАЙМОНОВ.

Ҳозирги ғанимат кунлардан самарали фойдаланиб, терим суръатини кескин оширайлик!

☆

Киши бошига 15 тоннадан пахта

Коммунист Чинпўлат Жўраев — Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг трактор-далачилик бригадаси бошлиғи. Бу бригаданинг 145 гектар пахта майдони бор. Бригада аъзолари зўр ғайрат билан ишлаб, Улуғ Октябрь байрами шарафига ҳар гектар ердан 33 центнердан ҳосил олиб, йиллик планни бажардилар. 60 гектар ердаги пахта машина билан терилди. Ёш механик-ҳайдовчилардан Н. Нуриддинова, Х. Усмоноваларнинг ҳар бири «ХВС-1,2» машинаси билан 110 тоннадан пахта терди.

Жўраев бошлиқ бригадада 30 киши ишлайди. Мана шу ишловчилар-нинг ҳар бири ҳисобига териб топширилган пахта 15 тоннаданга тўғри келди.

Шу кунларда бу бригада аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна ҳар гектар ердан 5 центнердан ҳосил йиғиб олиш учун курашмоқдалар.

В. ХОЛМАТОВ.

Илғор теримчилар

Шура Шавкатовани Ленин номли колхоздагина эмас, балки Ўрта Чирчиқ районида ҳамма танийди. Колхознинг жонкуяр қизи мавсумда 10 тонна пахта териш мажбуриятини олган эди. У ўзи ишлаб турган Цой Ен Хван бошлиқ бригадада 28 октябргача 10.187 килограмм пахта териб, ўз устига олган мажбуриятини бажарди.

Шунингдек, райондаги Калинин номли колхознинг илғор теримчиси Майрамхон Раимбекова 8794, Зарипа Зукурова 8216 килограммдан пахта териб, маррага яқинлашиб қолдилар. Улар шу кунларда ҳам 100 килограммдан ошириб кўсак тераётирлар.

Т. ЙЎЛДОШЕВ.

Муҳаббат — чевар қиз

— Чевар қизимиз Муҳаббатой Эшбоева ўз мажбуриятини бажарди. У мавсумда 5 тонна «оқ олтин» теришга сўз берган эди. Аҳдининг устидан чиқди. Муҳаббат яна бир тонна пахта териб бериш мажбуриятини олди,— деди колхоз партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Рустамов колхоз радиоузели орқали гапирар экан.— Муҳаббат ўқувчи. У энди 13 ёшга тўлди, 6-синфда ўқийди. Айтгандай, бу тиришқоқ қиз ўқишда ҳам илғор.

Муҳаббат 5 тонна пахтани дарсдан ташқари вақтларда ва дам олиш кунлари терди.

Пискент районидаги Тельман номли колхоз правлениеси чевар қиз Муҳаббат меҳнатини тақдирлаб, қимматбаҳо мукофот тақдим этди.

Т. ТОЖИМУРОДОВ.

Ўқувчилар кучи билан

Деҳқончилик Калинин районидаги 27-ўрта мактаб ўқувчиларининг энг севимли машғулотларидан бири бўлиб қолди. Ҳар йили ўқувчилар томонидан етиштирилаётган мўл ҳосил мактаб учун катта даромад келтирмоқда.

Бу йил эса ўқувчилардан ташкил топган далачилик бригадаси аъзолари қўшни Сталин номли колхозда 16 гектар ер ажратиб олиб, картошка, помидор, қовун-тарвуз эккан эдилар. Экиш ва парвариш ишлари юксак агротехника талаблари асосида олиб борилди. Бу экинлардан мўл ҳосил етиштирилди.

Ана шу даромадлар ҳисобига қўшимча бешта синф хонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Учта хона қайта қурилди. Бошлаб қўйилган қўшимча хоналар эса тез кунда фойдаланишга топширилади.

Шу тадбирларни амалга ошириш натижасида мактабда машғулотларни бир сменада олиб бориш имкони туғилди.

Т. РАСУЛОВ.



Янгийўл районидаги Свердлов номли колхознинг қўпминг килограмчи теримчиларидан (чапдан) ўртоқ Р. С. Бакирова шу кунгача ўн тонна, ўртоқ Матлуба Ҳасанова ўн уч тонна, ўртоқ Ҳолпошша Ҳошимова ўн икки тонна пахта териб, мавсум нормаларини икки-уч ҳисса бажардилар. Суратда: мусобақадош дугоналар. С. Аҳмедов фотоси.

„Кўсак очилди-ю, ҳаво ёпилди“

Сирдарёлик раҳбарларнинг юрагига қўл солсак, талайгина ўпка-гиналари бор экан. Улар айтган гапларидан: «ураверсаларинг—этимиз қотади, сўкаверсаларинг—бетимиз» деган маънони пайқаб олиш қийин эмас. Ҳурматли раҳбарлар яхши ёдлаб олган бу мақолнинг тўғрилигини биз ҳам тан оламиз. Бироқ бундай мулоҳаза қилиб кўрайлик: райондa пахта териш ва тайёрлашнинг бориши кишиларни ташвишга соларли даражада қониқарсиз бўлса, пахта теримига ишга яроқли кишиларнинг ярим-ёртисигина жалб қилинса, меҳнат унумдорлиги жуда паст бўлса, қандай қилиб районни мақтайлик?

Районнинг бир қанча колхозларида бўлиб, талайгина раислар, партком секретарлари билан гаплашдик. Бундан бир-икки ҳафта илгариги суҳбатларда улар кўракнинг очилмаётганидан, ҳамон безрайиб турганидан шикоят қилардилар. Энди очилмаган кўрак қолмади. Бироқ колхоз раҳбарлари бошқа важ-карсонни дастак қилиб олдидан: ҳаво ёмон бўлаётган эмиш, одамлар бу ёқдан далага чиқаверса, уёқдан ёмғир шивалаб ураверармиш?!

Шу ўринда колхоз раҳбарларига, биринчи навбатда район партия комитети ва район ижроия комитети раҳбарларига бир нарсани уқдириб қўяйлик: «оқ олтин» — бизнинг ғоят қимматли бойлигимиз. Бойлигимизгина эмас, шунинг билан бирга обрўйимиз, шон-шуҳратимиз, ифтихоримиз ҳам. Хўш, шундай бўлгач, нега у ерда ётадию, биз 4 — 5 томчи ёмғирдан чўчиб, нолиб ўтирамиз? Ёғин-чочинда қолган дурдоналарнинг кун сайин нобуд бўлишини, баракаси учишини биламиз-у, нега ҳамма кучни йиғим-теримга сафарбар қилаймаймиз? Ахир шу олтинга тенг бўлган момиқларни сўнгги граммигача йиғиб олмасак, ҳеч бириимизнинг кўнглимиз ўрнига тушмайди-ку! Ҳеч қайси қалб ором олиб, тинч тепмайди-ку!

Эҳтимол, район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Каримовдан тортиб, бошланғич партия ташкилотларининг секретарларигача, райижроком раиси ўртоқ Абдушоҳидовдан тортиб колхоз раисларигача — ҳамма бу гапларимиздан ранжир. Бизга панд-насиҳат ўргатишларинг демасалар ҳам, қурбимиз етганича ишлаяпмиз, бекор ўтирганимиз йўқку деб ўпкалашар. Бироқ ҳозир шундай пайтки, қурбимиз етгани билан чегараланиш мумкин эмас. Имкониятларимиздан ортиқроқ ишлашимиз зарур.

Шундай ишласак бўладими? Албатта бўлади. Бу гапни маълум асосларга таяниб айтаяпмиз. Келинг, шулар ҳақида 3 — 4 оғиз гаплашиб олайлик.

Районда 207 бригада бор. 10 ноябргача шуларнинг 16 таси йиллик планни бажарибди. 16 колхоздан бирортаси ҳам маррага етгани йўқ. «Гигант», «Ўзбекистон», Ўхунбобоев номли, Ильич номли колхозлар борки, улар энди ярим йўлга боришди. Шулар туфайли район ўтган йилнинг 10 ноябридагига қараганда 30 процент орқада боряпти. Бунинг қандайдир сабаблари бордир ахир?

Ҳа, бор. Унинг биттаси шуки, районда етарли ишчи кучи бўлатуриб, улар пахта теримига тўла сафарбар қилинмаётир. Бунинг исботи сифатида шундай бир мисолни келтирса бўлади. 11 ноябрь куни «Малик» тажриба хўжалиги партия ташкилотининг секретари ўртоқ А. Мейирбеков район партия комитетига қуйиб-ёниб кирди. Унинг қўлида роса бир қулоч қоғоз. Бу қоғозга район марказидан пахта теримига ёрдамга борадиган ташкилотлар номи ёзилган.

— Райздравдан 15 киши, поссоветдан 5 киши..., — ўртоқ Мейирбеков жиғи-бийрони чиқиб рўйхат ўқирди, — жъами 300 га яқинлашиб боради. Аммо шунча одамдан фақат 16 кишини теримга юборолдим. Мана, вақт туш бўляпти. Қани бошқа одамлар? Ташкилотларга телефон қилавериб, ҳаммага ёмон кўриндим. Бўлди энди. Ўзларинг йиғиб беринглар!

Ўртоқ Мейирбеков ҳақ албатта. Агар район раҳбарлари, ёрдамга чиқиши лозим бўлган ташкилотларнинг бошлиқлари ҳам шу одамдай жон куйдиришса, районни бирданига кўтариб юбориш ҳеч гап эмас. Бироқ бундай бўлмаяпти. Мажлисларда яхши тадбирлар белгиланаверадию, амалий ишга унинг таъсири кам бўлади.

Мана, мисоллар ҳам келтирайлик. Белгиланган графикка кўра, 19100 киши пахта йиғим-теримида қатнашиши керак. 10 ноябрь куни район бўйича 205 тонна пахта, 300 тонна кўрак терилди. Шу куни район бўйича қанча киши далага чиққанидан қатъий назар, терилган кўракни ҳам пахтага айлантириб, графикдаги одамларга тақсимласак, ҳар бир кишига ўртача 20 килограммдан тўғри келади. Ҳолбуки ҳамма колхозларда пахта шундай очиланки, ҳар бир одам 60 — 70 килограммдан пахта, 150 — 180 килограммдан кўсак териши мумкин. Демак, Сирдарёда меҳнат унумдорлиги ниҳоятда паст. Шунинг учун давлатга сотилаётган пахтанинг миқдори жуда кам бўлаётир. Масалан, 10 ноябрда қабул қилиш пунктларига мажбуриятнинг 0,2 процентги миқдорида пахта топширилган. Энди бундай мулоҳаза қилайлик: 11 ноябргача район мажбуриятни 62,92 процент бажарди. Агар пахта тайёрлаш шундай суръат билан бораверса, мажбуриятни бажариш учун яна 185 кун керак бўлади. Район раҳбарлари буни чуқур ўйлаб кўришлари керак.

С. СУЛТОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ФЕРМАЛАРДАН ДАРАКЛАР

КАЛИНИН. Генерал Раҳимов номли колхозда 170 та соғин сигир бор. Ҳар бир соғин сигирдан шу кунгача 2700—3000 килограммдан сут соғиб олинди. Розия Содиқова, Дон Мария сигирни сут соғувчилар айниқса юқори кўрсаткичга эришмоқдалар.

Ш. Камариддинов.

БЎСТОНЛИҚ. Фрунзе номли колхоз пландаги 1000 центнер ўрнига 2060 центнер гўшт топшириб, икки йиллик планни бажарди. Чорвадорлар йил охиригача яна 1000 центнер гўшт топширишиб, уч йиллик планни адо этишга аҳд қилдилар.

Р. Кўчаров,
Р. Ўмаров.

ОРЖОНИКИДЗЕ. Область Совети-нинг депутати Назира Имомалиева Оржоникидзе районидаги Навоий номли колхозда 15 йилдан буён сут соғувчи бўлиб ишлайди. Назира опа ўтган йили 16 бош сигирнинг ҳар биридан 3800 ўрнига 4200 килограммдан ошириб сут соғиб олган эди. У бу йил ҳам янги ютуқларни қўлга киритиш учун курашмоқда. Бўкимидаги жами сигирдан 68 тонна сут соғиб олишга аҳд қилиб, фидокорона меҳнат қилаётир.

С. Мирзааллиев.

ОҚҚЎРҒОН. «Оққўрғон» совхозининг 2-сут-товар фермасида чорва қишловига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. 460 тонна беда жамғарилди. 12 минг тоннадан ортиқ силос бостирилди. Ферма бинолари намунали ремонт қилинди.

Т. Маматов.

Халқаро аҳвол

ХИТОЙДА ЁШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

ПЕКИН. (ТАСС). Хитойда халқ ҳокимияти йилларида меҳнат резервлари ўқув юртларида 200 мингдан кўпроқ ўрта малакали ишчилар тайёрланди. Бу ўқув юртларини тамомлаб чиққан кишилар корхоналарда намунали ишламоқдалар.

Ҳозирги вақтда республикада 800 га яқин ҳунар, темир йўл, кончилик ва металлургия ўқув юртлари очилди, уларда ўқувчилар сони 300 минг кишига етади. Келгусида ишчи бўлиб етишадиган кишилар 2—3 ўқув йили мобайнида тўлиқсиз ўрта мактаб ҳажмида умумий маълумот оладилар ва ўқув юртларида ўргатиладиган 150 ихтисоснинг бирқ бўйича 4—5 разрядли малака ҳосил қиладилар.

Империализмга қарши курашга даъват

БАЙРУТ, 13 ноябрь. ТАСС мухбири В. Михайлов хабар беради:

Бугун Байрутда Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги доимий ташкилоти ижроия комитетининг сессияси тамом бўлди. Сессия «Ижроия комитетининг умумий декларацияси»ни, Африка-Осиё бирдамлиги фондини вужудга келтириш тўғрисидаги резолюцияни маъқуллади ва бирдамлик ташкилоти доимий секретариатининг янги составини тасдиқлади.

«Умумий декларация» жамоатчилик фикрини империализмга қарши, мустамлакачилик режимининг ҳар қандай шаклларини батамом ва дарҳол тугатиш учун сафарбар қилиш — Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ҳаракатининг энг муҳим вазифаси, деб эълон қилади. Декларация АҚШ ва бошқа империалистик давлатларнинг Конго, Жазоир, Вьетнам, Лаос, Куба ва бошқа мамлакатлар халқларига қарши киридикорлари ва нгволарини қоралайди, Бирлашган Миллатлар Ташкилотини Америка империализми назоратидан халос бўлиш ва ўз уставига ҳамда принципларига содиқ бўлишга даъват этади.

Сессия Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги кенгашини 1961 йил апрель-май ойида Бандунгда чақиришга қарор қилди. Бу кенгашда бирдамлик доимий ташкилотининг барча аъзолари қатнашадилар.

Жанубий Вьетнамдаги қўзғолон тўғрисида „Нян зан“ газетасининг ёзганлари

ХАНОЙ, 14 ноябрь. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги «Нян зан» газетасининг Жанубий Вьетнамдаги қўзғолонга бағишланган редакцион мақоласини маълум қилди. Мақолага «Нго Динь Дьем фашист диктатор тўдасини ағдариш учун барча ватанпарвар ва демократик кучларни бирлаштирайлик» деган сарлавҳа қўйилган.

Газета қўзғолоннинг сабабларини таҳлил этиб, қуйидагиларни ёзади:

Америка империалистлари ўз агентлари — ҳукмрон Нго Динь Дьем тўдаси ёрдами билан Жанубий Вьетнамда фашист диктатурасини вужудга келтирдилар. Бу диктатура Вьетнам ватанпарварларини қириб ташлаш ва Жанубий Вьетнамни ўз мустамлакасига айлантириш мақсадида ваҳшиёна таъқиб сиёсатини ўтказиб келди.

Аммо, таъқиб ва қувғинлар кучайиши билан халқнинг Нго Динь Дьем тўдасига қарши кураши ҳам кескинлашди.

Нго Динь Дьем тўдасига қарши курашувчи халқ фронти тобора кенгайди, ана шу тўданинг ўзи эса, яккаланиб қола берди. Нго Динь Дьем армиясининг ҳарбий хизматчиларидан кўплари ва маъмурият вакиллари Нго Динь Дьемнинг чирик ҳокимиятига қарши чиқдилар. Уларнинг кўпи халқ томонига ўтди.

Америкага тарафдор кайфиятдаги баъзи офицерлар ва сиёсий арбоблар халқ ва армия ўртасида шундай кайфият борлигидан фойдаланиб, Нго Динь Дьемни ағдариб ташлаш ва ўз манфаатларини қондириш мақсадида давлат тўнтариши ясадилар.

Газета Сайгон қўзғолонининг мағлубиятга учраганлигига қуйидаги ҳолларни асосий сабаб деб ҳисоблайди: Нго Динь Дьем тўдаси каби бу қўзғолоннинг раҳбарлари ҳам антикоммунистик позицияларда турдилар. Улар Нго Динь Дьем ҳукумати билан бўлган низоларини америкаликлар ёрдами билан ҳал этишга интилиб, халқнинг Нго Динь Дьем ҳукуматини ағдариб ташлаш учун кураш олиб боришига йўл қўймадилар.

Газета яна қуйидагиларни таъкидлайди: Америкага тарафдор икки тўда ўртасидаги низо Жанубий Вьетнамдаги воқеаларнинг боришини белгилаб беролмайди, албатта. Жанубий Вьетнам халқининг тақдири ва келажагини халқнинг ўзи ҳал этиши лозим.

Кейинги олти йил мобайнида халқ томонидан олиб борилган қаҳрамонона ва қаттиқ кураш натижасида Нго Динь Дьем режимининг аҳволи танглашиб қолди ва бу режим таг-томири билан ларзага келди.

Жанубий Вьетнамдаги фашизм диктатураси жиддий кризисга учраган бир пайтда, мамлакатнинг жанубидаги ватандошларимиз Жанубий Вьетнамни уруш ва қон тўкилишидан қутқазиб қолиш учун Нго Динь Дьемнинг ўтакетган реакцион тўдасини ағдариб ташлаш мақсадида ўз бирдамлигини мустаҳкамлашлари ва курашни кучайтиришлари лозим.

ЛАТИН АМЕРИКАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИ КУБА БИЛАН БИРДАМ

МОНТЕВИДЕО. (ТАСС). Латин Америкасида Кубани Америка империализмининг агрессиясидан ҳимоя қилиш юзасидан бошланган ҳаракат тобора кенгайиб бормоқда. Латин Америкасидаги турли мамлакатларнинг танинли касаба союз арбоблари кенг халқ оммасининг фикр-туйғусини ифодалаб, қитъа меҳнаткашлари Кубанинг янги Гватемала бўлишига йўл қўймайдилар, деб айтмоқдалар. Перу кон-руда саноати меҳнаткашлари миллий федерациясининг бош секретари Ромуло Росас Кўшма Штатларни қоралаб, «Перу меҳнаткашлари Куба томонида қатъий турибдилар», деб айтган.

Бразилия банк хизматчилари миллий федерациясининг бош секретари Вилмо Трэндиаде «Гватемалада юз берган воқеа Кубада юз бермаслигини» кўрсатиб, Куба ҳозирги вақтда Латин Америкасидаги барча меҳнаткашлар учун намуна қанча киши далага чиққанидан қатъий назар, терилган кўракни ҳам пахтага айлантириб, графикдаги одамларга тақсимласак, ҳар бир кишига ўртача 20 килограммдан тўғри келади. Ҳолбуки ҳамма колхозларда пахта шундай очиланки, ҳар бир одам 60 — 70 килограммдан пахта, 150 — 180 килограммдан кўсак териши мумкин. Демак, Сирдарёда меҳнат унумдорлиги ниҳоятда паст. Шунинг учун давлатга сотилаётган пахтанинг миқдори жуда кам бўлаётир. Масалан, 10 ноябрда қабул қилиш пунктларига мажбуриятнинг 0,2 процентги миқдорида пахта топширилган. Энди бундай мулоҳаза қилайлик: 11 ноябргача район мажбуриятни 62,92 процент бажарди. Агар пахта тайёрлаш шундай суръат билан бораверса, мажбуриятни бажариш учун яна 185 кун керак бўлади. Район раҳбарлари буни чуқур ўйлаб кўришлари керак.

С. СУЛТОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

«ДИСКАВЕРЕР 17» ЙЎЛДОШИ УЧИРИЛДИ

НЬЮ-ИОРК, 13 ноябрь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири ҳарбий ҳаво кучларининг Вандербург базасидан (Калифорния штати) хабар беради: АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари приборли капсула ўрнатилган «Дискаверер 17» йўлдошини орбитага учирдилар. Улар бу капсулани бугун Гавай ороллари районида осмонда ушлаб қолмоқчи бўладилар.

Ҳарбий ҳаво кучларининг расмий вакиллари «Дискаверер 17» қутб орбитасига чиққанлигини айтдилар.

Аммо, таъқиб ва қувғинлар кучайиши билан халқнинг Нго Динь Дьем тўдасига қарши кураши ҳам кескинлашди.

Нго Динь Дьем тўдасига қарши курашувчи халқ фронти тобора кенгайди, ана шу тўданинг ўзи эса, яккаланиб қола берди. Нго Динь Дьем армиясининг ҳарбий хизматчиларидан кўплари ва маъмурият вакиллари Нго Динь Дьемнинг чирик ҳокимиятига қарши чиқдилар. Уларнинг кўпи халқ томонига ўтди.

Америкага тарафдор кайфиятдаги баъзи офицерлар ва сиёсий арбоблар халқ ва армия ўртасида шундай кайфият борлигидан фойдаланиб, Нго Динь Дьемни ағдариб ташлаш ва ўз манфаатларини қондириш мақсадида давлат тўнтариши ясадилар.

Газета Сайгон қўзғолонининг мағлубиятга учраганлигига қуйидаги ҳолларни асосий сабаб деб ҳисоблайди: Нго Динь Дьем тўдаси каби бу қўзғолоннинг раҳбарлари ҳам антикоммунистик позицияларда турдилар. Улар Нго Динь Дьем ҳукумати билан бўлган низоларини америкаликлар ёрдами билан ҳал этишга интилиб, халқнинг Нго Динь Дьем ҳукуматини ағдариб ташлаш учун кураш олиб боришига йўл қўймадилар.

Газета яна қуйидагиларни таъкидлайди: Америкага тарафдор икки тўда ўртасидаги низо Жанубий Вьетнамдаги воқеаларнинг боришини белгилаб беролмайди, албатта. Жанубий Вьетнам халқининг тақдири ва келажагини халқнинг ўзи ҳал этиши лозим.

Кейинги олти йил мобайнида халқ томонидан олиб борилган қаҳрамонона ва қаттиқ кураш натижасида Нго Динь Дьем режимининг аҳволи танглашиб қолди ва бу режим таг-томири билан ларзага келди.

Жанубий Вьетнамдаги фашизм диктатураси жиддий кризисга учраган бир пайтда, мамлакатнинг жанубидаги ватандошларимиз Жанубий Вьетнамни уруш ва қон тўкилишидан қутқазиб қолиш учун Нго Динь Дьемнинг ўтакетган реакцион тўдасини ағдариб ташлаш мақсадида ўз бирдамлигини мустаҳкамлашлари ва курашни кучайтиришлари лозим.

АҚШ исёнчиларга ёрдам бермоқда

ХАНОЙ, 13 ноябрь. (ТАСС). Лаосдан олинаётган хабарлар Америка империалистлари ва уларнинг агентлари — Фуми Носавана исёнчиларининг Суванна Фума ҳукуматига қарши қўпорувчилик ҳаракатлари кучайиб бораётганлигини кўрсатади.

Патет-Лао овози радиосининг эшиттирган хабарига кўра, Америка империалистлари солдатлар ёллаш учун ва мамлакатнинг ички ишларига қўпорувчилик ишлари олиб бориш учун исёнчиларга 16 миллион доллар пул берганлар.

Америка самолётлари Лаос-нинг исёнчи қўшинлар жойлашган жанубий қисмига Таиландан қурол-яроғлар мунтазам суратда келтириб турибди. 30 октябрдан тортиб 5 ноябргача милтиқ, пуламёт, миномёт ва бошқа қурол-яроғлар солинган 500 ящик Паксега келтирилди. Белги қўйилмаган самолётлар 1 ва 2 ноябрда Банкокдан Сено ва Саваннакетга қурол-яроғ келтирдилар. Бундан ташқари, америкаликлар исёнчиларга ҳарбий транспортерлар етказиб бердилар.

Америка офицерлари 28 октябрдан 30 октябргача исёнчи қўшинларни инспекция қилдилар.

АҚШДА ЎТКАЗИЛГАН ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВЛАРИНИНГ ЯКУНЛАРИ ҲАҚИДА ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИ

Чет элларнинг матбуоти Америка Қўшма Штатларида ўтказилган президент сайловларининг якунларини ҳамда янгидан президент қилиб сайланган Жон Кеннедига СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг юборган мактубини шарҳлашни давом эттирмоқда.

Берлинда чиқадиган «Трибюне» деган касаба союзлар газетаси президент сайловларининг якунларига «У-2» самолётларининг учишларини оқловчи сиёсатга берилган жавоб деб баҳо беради. Газета таъкидлаб ўтадики, АҚШ сайловчилари томонидан қабул қилинган қарор кутилмаган қарор эмас, чунки америкаликларнинг кўпчилиги Эйзенхауэр томонидан ўтказиб келинган «совуқ уруш» сиёсатидан кўпдан бери қаттиқ ташвишланиб келар эди.

Америка халқи, деб кўрсатиб ўтади «Трибюне» газетаси, кейинги 8 йил мобайнида АҚШнинг агрессив сиёсат йўлини тутганлиги учун вице-президент сифатида Никсон ҳам жавобгар эканлигини жуда яхши билади. Ундан ташқари, Никсон сайлов олди кампанияси давомида ядро қуроли синовларини янгидан бошлашни очиқдан-очиқ ёқлаб чиқди.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг Ж. Кеннедига табрик мактуби юборганлигига тўхталиб, «Трибюне» газетаси, бу мактуб барча тинчликсевар инсониятнинг орзу-умидларини акс эттириб, кўпчилик Америка граждanларининг продасига жавоб беради, деб ёзади.

Тунисда чиқадиган «Ла пресс» газетаси таъкидлаб ўтадики, «Кеннединнинг ғалабаси Никсондач ҳам кўра кўпроқ Эйзенхауэрнинг мағлубиятидир. Америка сайловчилари республикачилар сиёсатининг якунларини қоралаб чиқдилар. Республикачилар партияси ҳокимият тепасида турган кейинги 8 йил давомида ҳозирги замонинг жуда муҳим проблемаларидан бир-тасини ҳам ҳал қила олмади. Америка сайловчилари Кеннедини ёқлаб овоз берар эканлар, улар Берлин ҳақидаги масала юзасидан ва бошқа масалалар юзасидан Шарқ билан Ғарб ўртасида музокараларнинг янгидан бошланишига умид боғладилар».

Ўругвай матбуоти Н. С. Хрушчевнинг Ж. Кеннедига юборган мактубига катта эътибор бермоқда. Газеталар мактубда қуролсизланиш ва тинчликни мустаҳкамлаш ҳақидаги масалани ҳал этиш имкониятлари тўғрисида гапирилган жойларини бўрттириб кўрсатмоқдалар. «Бьен Публико» газетаси мактуб ҳақидаги хабарга «Хрушчев тинчликни мустаҳкамлаш учун тўсиқлар йўқ, деди» деб сарлавҳа қўйган. Хрушчев, деб ёзади «Пагс» газетаси, Кеннедини табрикламоқда ва уни Франклин Рузвельт замонига қайтишга даъват этмоқда. «Популар» газетаси мактубни муфассал баён қилиб, бундай деб ёзади: Хрушчев Кеннедини Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни яхшилашга ва қуролсизланиш масаласини ҳал қилишга даъват этди. (ТАСС).

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Кўчатни қандай ўтқазиш керак?

Ҳозир кўчат ўтқазиш учун айни қулай пайт. Бу ишнинг сифатли бажарилиши учун нималарга амал қилиш лозим? Даставал ер яхши ишланган бўлиши керак. Кўчат учун ажратилган майдонлар плантаж плуги билан ҳайдалади. Ҳайдаш олдидан ҳар гектар ерга 15—20 тонна ҳисобидан гўнг, 500—600 килограмм суперфосфат ўғити аралаштириб солиш мақсадга мувофиқдир. Шунда кўчат тез ўсиб, эрта ҳосилга киради.

Сўнгра, экиладиган мева кўчатларининг сифатли бўлишига ҳам катта аҳамият бериш талаб қилинади.

Тоғли районларда куз тез бошланади, баҳор кеч келади. Кўпйиллик кузатишлар ва илмий тажрибалар шуни кўрсатадики, бундай районларда кузда кўчат ўтқазиш яхши натижа беради. Экиш зинапоя усулида олиб борилади. Бунда, албатта, кўчат экиладиган чуқурларга 0,5 килограмм суперфосфат, 8—10 килограмм чириган гўнг аралаштириб солинади. Бу ўғит қиш намгарчилиги таъсирида, сув ёрдамида ернинг чуқурроқ қатламларига сингийди ва кўчатларнинг ёш илдизлари озуқага муҳтож бўлмай ривожланади.


Зинапоя усулида ток кўчатлари ўтқазилганда, албатта, яхши илдиз отган кўчатлар танлаш керак. Кўчат бир ёки икки яшар бўлсин. Денгиз сатҳидан 800—1400 метргача юқори бўлган тоғ қияликларига хусайни, каттақўрғон, султони, тоифи, паркент, рундвейс, матраса, тербош, венгер мускати сингари узум навларидан экиш тавсия қилинади.

Янги боғлар ташкил этиш билан бир қаторда, 3—4 ва ундан катта ёшдаги узумзор ва мевазорларда ҳам керакли агротехника тадбирларини амалга оширишни унутмаслик керак. Масалан, лалмикор ерлардаги узумзорларга 10—15 тонна чириган гўнгга 30—40 килограмм азотни, 40—50 килограмм фосфор ўғитни яхшилаб аралаштириб, қатор оралардан ярим метр нарига, 18—20 сантиметр чуқурликка солинади.

Агар куз бақтида кўчат экиб ўтгурилмаса, ерни яхшилаб ишлаб қўйиш керак. Бунда қияликларга экиладиган узум ёки мева кўчатлари учун 80х80 схемасида чуқурча ковланиб, 8—10 килограмм гўнгга ярим килограмм суперфосфат қоришгириб ташлаб қўйилади. Шунда чуқурларга нам тўпланиб, ундаги озуқанинг бир қисми ернинг пастки қатламларига сингийди. Эрта баҳор келиши билан бундай ерларга кўчат экилса, у тез ва бақувват бўлиб етилади. Ҳар ёмғирдан кейин нам кўтарилиб кетмаслиги учун кўчат атрофи юмшатилиши шарт.

Кузда ўтқазилган кўчат шохлари кесилмайди. Кесиш ва шакл бериш иши эрта баҳорда ўтказилади. Айрим боғбонлар эса бунга амал қилишмайди. Улар баҳорда кўчатнинг шохларидан ортиқчасини чилпиб ташламайдилар. Увол кетади, деб ўйлайдилар. Ваҳоланки, кўчат ердан кўчирилганида унинг илдиз қисмидан 40—50 проценти ерда узилиб, қирқилиб қолади ва натижада илдиз озми-кўпми шикастланади. Шунинг учун мутаносибни баравварлаштириш мақсадида кўчат ўзини тутиб олгач, бир йиллик навдадан учдан бир қисмини кесиб ташлаш лозим. Кўчатнинг етакчи шохи ён шохларига қарағанда бирмунча баланд бўлади. Ортиқча навдалар қирқилгандан сўнг баҳорда кунларнинг тез илиб кетиши натижасида кўчатни қуёш нури таъсиридан сақлаш учун уни оқлаш зарур. Ёғингарчилик бўлиб, оҳак ювилиб кетган тақдирда бу иш такрор ўтказилади.

К. СОБИРОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.



Жазоир халқи француз мустамлакачилари зулмидан озод бўлиш учун курашни тобора кучайтирмоқда. Миллий озодлик армияси ўтган 6 йилдан кўп вақт мобайнида мамлакатнинг учдан икки қисмини озод этди. Ҳозирги пайтда қолган районларда жанглар қизғин давом этмоқда. Жазоир ватанпарварлари қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб курашмоқдалар. Суратда: Жазоир миллий озодлик армиясининг солдатлари.

Синьхуа агентлиги фотоси.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
3- БЕТ, 15 НОЯБРЬ, 1960 ЙИЛ.

Тарихчи Абдураҳмонов қизиқ нарсаларни топди

Тарих фанлари кандидати Х. Абдураҳмонов Тошкентнинг ҳамма кутубхоналарида ва архивларида революциядан илгари Ўзбекистонда нашр этилган газеталарнинг нодир нусхаларини қидирди. Бу газеталарни қидириб топиш жуда муҳим эди.

Ўзбек халқи революцион курашининг энг кескин даврларида ташкил қилинган ва кўп ўтмай реакцион кучлар таъсирида ёпилган бу газеталарнинг кўплари озодлик ҳаракатининг ривожланишида маълум прогрессив роль ўйнаган.


Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих ва археология институтининг ёш олими қилган бу иш жуда қизиқарли бўлиб чиқди. У, шахсий архивларнинг эгалари билан бир неча марта учрашди.

Ёш олим Ўрта Осиё политехника институти кимё-технология факультетининг ўқитувчиси Кенжа Авлонов билан учрашди. Кенжа «Шуҳрат» газетасининг редактори Абдулла Авлонийнинг ўғлидир. Бу газета 1907 йил декабрь ойидан 1908 йилнинг февраль ойигача чиққан. Газетанинг фақат ўн сони чиқиб улгурган, тадқиқотчилар бу газетанинг етти сони ҳақида шу вақтгача ҳеч нарса билмас эдилар.

Бу газеталарни редакторнинг ўғли сақлаб қўйган экан. У, ана шу газеталарни Х. Абдураҳмоновга топшириб, ўз отаси ҳақида кўпгина қизиқарли гапларни айтиб берди. Авлоний журналист сифатидагина эмас, балки драматург ва артист сифатида ҳам маълум бўлган. Революциядан кейин у Коммунистик партия сафига кирган ва Ўрта Осиё университетида адабиёт профессори эди.

«Қизил Ўзбекистон» газетасида масъул секретарь бўлиб ишлаган А. Аюповнинг сингиси ҳам бой архив эгаси экан. А. Аюпов Октябрдан илгариги даврда нашр этилган газета ва журналларни қунт билан тўплаган эди. Улар орасида «Камбағаллар товуши» ва бошқа кўпгина газеталарнинг нодир нусхалари топилди.

Х. Абдураҳмонов ўзи топган нарсалар ҳақида махсус тайёрлаган илмий ишида баён қилиб берди. (ЎзТАГ).



Суратда: Чирчиқдаги қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинатининг ишчи ва хизматчилари учун қурилган уй-жойларнинг умумий кўриниши.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

„Адабий мерос“нинг Толстойга бағишланган томи

СССР Фанлар академиясининг А. М. Горький номидаги жаҳон адабиёти институти ҳузуридаги «Адабий мерос» редакцияси Л. Н. Толстойга бағишланган навбатдаги томни босмага тайёрлади.

Бу том Толстойни санъаткор ва мутафаккир сифатида характерловчи ҳамда Толстой реализмининг рус ва жаҳон адабиётини ривожлантиришдаги роли ва аҳамиятини очиб берувчи мақолалар билан бошланади. «Ижодиёт тарихидан» деган бўлимда Толстойнинг баъзи йирик асарлари, жумладан «Казаклар», «Холстомер» повестлари, «Уруш ва тинчлик» ва «Анна Каренина» романлари, «Замонамизнинг қуллиги» ва бошқа публицистик трактатлари қўл ёзмаларининг босиб чиқарилмаган ёки илгари чала ва нотўғри босиб чиқарилган Толстой текстларининг хомаки нусҳалари ва вариантлари босиб чиқарилмоқда. «Руҳоний мактублари» деган тугалланмаган ҳикоянинг боши ҳам босилмоқда.

«Уруш ва тинчлик» романига бағишланган материаллар айниқса катта ўрин олган, Томда романнинг дастлабки 15 та хомаки нусҳаси (тўла бўлмаса ҳам) биринчи марта изчиллик билан ўрганилган ва босиб чиқарилган. Эълон қилинган материаллар ана шу асар устида олиб борилган ишнинг биринчи давр ижодий жараёнини имкон борича тўла тиклаган. Шу билан бирга бу материаллар Толстой аввал катта ҳажмдаги тарихий эпопея эмас балки, бор-йўғи дворянларнинг оилавий хроникасини ёзиш ниятида бўлганлиги ҳақида тарқалган афсонани тамомила чиппакка чиқаради.

Биографик материаллар анчагина қизиқиш туғдиради. Бу материалларга, аввало Толстойнинг рафиқаси София Андреевнанинг сўзларидан тузилган ёзувчи ҳаётининг учта очерки кирган. Бу ерда Толстойнинг ёзувчилардан Е. Н. Ахматова ва С. Т. Семеновга, тарихчи Е. В. Барсовга, революцион ҳаракат қатнашчиларидан В. К. Гейнсга (Вильям Фрей) ва А. А. Васильевга, машҳур ихтирочи олим Эдисон ва бошқа кишиларга юборган ва илгари маълум бўлмаган неча ўнлаб хатлари ҳам босиб чиқарилмоқда.

Толстой ҳақидаги илгари босиб чиқарилмаган кундалик дафтарлар ва эсдаликлар томдан каттагина ўрин олган. Бу ерда Толстойнинг катта фарзандларининг ўқитувчиси И. М. Ивакиннинг кенг таассуротлари босиб чиқарилмоқда. И. М. Ивакин 80-йилларда Ясная Полянада Толстой оиласида яшаган эди. Унинг хатларида Толстой билан адабиёт ва санъат ҳақида қилинган суҳбатлар ҳақида ёзилган. Толстойнинг куёви М. С. Сухотиннинг 1900-1910 йиллар мобайнида олиб борган кундалик дафтари шу бўлимнинг энг қимматли ҳужжатидир. Сухотин Толстой билан ўн йил учрашиб турган ва ҳозиргина олган таассуротлари асосида Толстойнинг ўз асарлари ҳақида, Пушкин, Лермонтов, Тургенев, Чехов, Куприн, Горькийнинг ижодиёти ҳақида билдирган фикрларини шу куннинг ўзидаёқ ёзиб қўяверган.

Кундалик дафтарда Толстой 1905-1907 йиллардаги революциянинг драматик воқеаларини, бу революциянинг мақсад ва моҳиятини тушунишга интилиб, нақадар кучли ҳаяжон билан кузатиб борганлигидан далолат берувчи хотираларга кўпгина эътибор берилган.

Томдаги бошқа ҳужжатли материаллар орасида «Толстой вафоти тезвараги да сиёсий кураш» ҳақидаги кенг тадқиқ асарлари босилиб чиққан. Бу ерда чор сиёсий полициясининг архив фондларидан қидириб топилган социал-демократик варақалар, студентлар намойишлари ташкилотчилари ва бу намойиш қатнашчиларининг очилган хатлари, маъмурларнинг фармойиш ҳамда ҳисоботлари ва шу каби материаллар бор.

Бу ҳужжатлар Ленининг Толстой вафоти ҳақидаги ҳамда ана шу воқеа муносабати билан мамлакатда вужудга келган сиёсий қурашнинг кескинлашганлиги ҳақида билдирган фикрларини ёрқин суратда тасвирлайди.

«Адабий мерос»нинг Толстойга бағишланган томи Толстойнинг 90 томдан иборат монументал юбилей асарлар тўпламига берилган муфассал танқидий обзор билан тугайди.

П. КОСОЛАПОВ.
(ТАСС мухбири).

Навоий асарларининг нашр этилиши

Ўзбекистон Фанлар академиясининг нашриёти биринчи марта алоҳида томлар тарзида нашр этаётган Алишер Навоий асарларининг учинчи ва тўртинчи девонларида буюк шоирнинг турли жанрлардаги асарлари — газал, рубоий, муҳаммас, мустаҳзод ва ҳикоялар бор. Бу китоблар улуғ шоирнинг жуда кўп қўлёзмалари асосида тайёрланди. Китоблар ўн минг тираж билан нашр этилмоқда ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган-дир: улар тегишли кўрсаткичлар ва тушунилиши қийин бўлган сўзлар луғати билан таъминланган.

Академия нашриёти нашр этган Навоийнинг яна бир асари «Мажолисун нафоис» деб аталади. Навоий замондошлари бўлган шоирларга бағишланган бу антологияда шу шоирларнинг ҳар бирига характеристика берилади, уларнинг энг яхши асарларидан парчалар келтирилади. Антология бешта нодир қўлёзма нусхалар асосида илмий-танқидий текст сифатида тайёрланган. (ЎзТАГ).

Бу ерда нутқ камчиликлари тузатилади

...Қўлида гулдаста кўтариб олган ёш йигит шаҳдам қадам ташлаб, врач кабинетига кириб келди.

— Дипломни ёқладим, ишга йўлланма олиб, Термизга кетяпман... Жўнаш олдидан яна бир марта сизга чин қалбдан ташаккур билдириш учун келдим, — деди у стол устига совғани қўяр экан.

Бундан икки йил илгари Тошкент алоқа институтининг Н. исмли студенти Тошкентдаги руҳий касалликлар ва неврология диспансерига дудуқланиш касали билан келган эди. Диспансернинг логотерапевт врачларидан Забида Мустафоевна Шейхаметова ва Зоя Александровна Пономарёвалар беморни даҳшатли дудуқланишдан асар ҳам қолмади. Ҳатто, у давлат имтиҳонида ҳам ҳаяжонланмасдан, жуда равон гапирди.

Мамлакатимизнинг жуда кўп шаҳарларидан Тошкентдаги логопедия кабинетига ҳар хил нутқ камчилигига эга бўлган кишилар келиб туради. Бу ерда тилнинг қийшайиб қолиши, дудуқланиш, ёш болаларда учрайдиган соқовлик (алалия) касалликлари муваффақият билан даволанмоқда.

Ҳозирги вақтда нутқ камчиликларига қарши курашувчи врачлар қўлида жуда кўп воситалар бор. Врачлар касалларни даволашда психик таъсир қилиш, нерв системасини мустаҳкамлайдиган физиотерапевтик ва дори билан даволаш методларини қўллашмоқда. Педагоглар нутқни ўстириш, нормал нафас олиш, айрим товушларни тўғри талаффуз қилиш ва бузилган сезги ритмларини тиклаш билан шуғулланадилар. Медик ва педагогик таъсирнинг қўшилиши натижасида даволашда энг эффектив натижага эришилаётир.

Махсус кечалар ўтказилиб, врачлар ва логопед-педагоглар беморларда кўпчилик олдида сўзлаш кўникмаларини ҳам ҳосил қилмоқдалар, уларни ишонч билан дадил сўзлашга ўргатаётирлар.

Кейинги икки йил ичида Тошкент логопедия кабинетида мингдан ортиқ кишининг нутқидаги камчилик тузатилди.

Н. СЕРГЕЕВ.



Суратда: Логопедия кабинетининг мудири врач Забида Шейхметова махсус аппарат ёрдамида беморни даволамоқда.

А. Абалян фотоси.

Ўзбекистон ССР Журналистлар союзида

Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси президиумининг навбатдаги мажлисида Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё областлари матбуот ҳамда нашриёт ходимларининг катта бир группаси СССР Журналистлар союзига қабул қилинди.

Президиум Қўқон шаҳар газетаси «Знамя труда» ва «Комсомолец Узбекистана» газетаси журналистларининг КПСС Марказий Комитети қарори асосида газета ишларида жамоатчиликни кенг қатнаштириш соҳасидаги иш тажрибаларини умумлаштирди. Самарқанд область газетаси «Ленин йўли»нинг редактори Ўртоқ Ҳамроев ишчи ва қишлоқ мухбирларининг доимий семинарларини ўтказиб туриш тажрибалари ҳақида сўзлаб берди.

Ишчи ва қишлоқ мухбирлари, газеталар штатсиз бўлимларининг ходимлари ва ишчи-қишлоқ мухбирлари советлари аъзолари семинарларини ўтказишда методика жиҳатидан ёрдам кўрсатиш мақсадида союз правлениеси ҳузурида журналистика кабинетини тузишга қарор қилинди. Бу кабинет жамоатчилик асосида иш олиб боради.

Президиум мажлисида спортчи журналистлар секциясининг фаолиятини яхшилаш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

«Известия» газетаси редакциясининг таклифига мувофиқ, Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган япон журналистлари делегацияси Тошкентдан Москвага жўнаб кетди.

Япония журналистлари республиканинг иқтисодий ва маданий тараққиёти билан, Тошкент меҳнаткашларининг ҳаёти билан танишдилар. Делегация аъзолари Ўзбекистон журналистлар союзи президиумининг аъзолари билан суҳбат қилдилар.

«Труд» газетаси редакциясининг таклифига мувофиқ, СССРда меҳмон бўлиб турган Европа, Осиё ва Африкадаги турли мамлакатлар журналистлари делегациялари Ўзбекистонда икки кун меҳмон бўлганларидан кейин, Москвага жўнаб кетдилар. Меҳмонлар Тошкент тўқимачилик комбинатини ва республика пойтахтидаги бир қанча маданий-оқартув муассасаларини бориб кўрдилар, колхозларнинг бирида бўлдилар. (ЎзТАГ).

Афғонистонда ўзбек рассомлари асарлари кўргазмаси

Қўшни чет эл мамлакатлар билан республикамиз маданий алоқалари йил сайин ривожланмоқда. Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи ва республика маданият министрлиги ҳузуридаги Панорама ва кўргазмалар дирекцияси яқинда Ўзбекистон рассомларининг энг яхши асарларидан иборат экспонатлар коллекциясини Шарқ мамлакатларига юборган эди. Кўргазма шу кунларда Афғонистон пойтахти Қобул шаҳрида катта муваффақият билан намойиш қилинмоқда.

Экспонатлар хилма-хилдир. Унда ўлкамизнинг бугунги жўшқин ва фаровон ҳаётини акс эттирувчи асарлар билан бирга, тарихий ёдгорликлар ва Улуғ Октябрнинг шонли саҳифаларига бағишланган полотнолар ҳам бор. СССР Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси, талантли рассом Ўрол Тансиқбоевнинг «Тоғлардаги т о н г», «Қайроққум сув омбори», «Ўзбекистонда март» номли полотнолари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби А. Абдуллаев, Л. Абдуллаев, Р. Аҳмедов, З. Иноғомов, Р. Темуров, Т. Огонасев ўртоқларнинг республикамиз фан ва маданият арбоблари, меҳнат қаҳрамонларига бағишлаб яратган портрет ва картиналари шулар жумласидандир. Рассом В. И. Уфимцевнинг халқ оқсоқоли Михаил Иванович Калинин образини яратишга бағишланган «Ер ҳақида, келажак ҳақида», М. Саидовнинг «1924 йилда М. И. Калининнинг Самарқандга келиши» номли йирик полотнолари тамошабинларда яхши таассурот қолдиряпти.

Ўзбекистон рассомларининг кўргазмага қўйилган юздан ортиқ асарлари Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон рассомлари асарлари билан бирга намойиш қилинмоқда. Афғонистон рассомлари ҳам ўз навбатида 50 дан ортиқ асардан иборат виставкани яқин вақтлар ичида Тошкентга юборишга қарор қилганлар.

Ўзбекистон ва бошқа қардош республикалар рассомлари н и н г асарлари Афғонистонда қарийб бир ой намойиш қилинганидан сўнг Бирма ва Цейлон мамлакатларига юборилади.

А. ПЎЛАТОВ.

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

Озода тиш—соғлиқ гарови

Тиш кишининг соғ ва саломат бўлишига, ошқозоннинг бир меёрда ишлаши ва овқатни яхши хазм қилишга ёрдам берадиган энг керакли аъзодир. Киши истеъмол қиладиган озиқ-овқатлар тиш ёрдамида майдаланиб ва юмшатиб ошқозонга тушади ва ошқозон орқали хазм бўлади. Шу туфайли ҳар бир киши тишининг соғ бўлиши учун унга кунда қараб туриши керак.

Овқат еганда унинг қолдиқлари, айниқса гўшт тиш орасига кириб қолади. Бунинг натижасида оғиз ҳидланиб, ҳар хил микроблар кўпаяди. Шунинг учун овқатланганда сўнг, албатта тиш кавогида қолган нон ва гўштларни тиш ковлагич билан олиб ташлаб, оғизни илиқ сув билан чайқаб туришга одатланиш лозим. Ана шундай қилинганда оғиз ҳеч вақт ҳидланмайди.

Агарда тиш тозалаб турилмаса, унинг ковагига кирган қолдиқларга ҳар турли микроблар ўтириб, кўпая боради. Кейинчалик бу микроблар тишни чиритади, оғритади.

Оғиздан ошқозонга яхши чайналмай, майдаланмай тушган овқат ошқозон касаллигига йўлиқтиради. Ёмон чайналган овқатнинг сингиши қийинлашади ва бир қанча ич касалликларининг бошланишига сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам ҳар куни эрталаб ва кечқурунлари тишни тиш парашоги ёки тиш пастаси билан тозалаб туриш зарур. Яна шуни айтиш керакки, уйдаги ҳар бир оила аъзосининг тиши оғриса албатта район поликлиникаларидаги тиш докторларига мурожаат қилишлари керак, уларнинг маслаҳатлари билан тишни даволатиб туриш лозим.

Писта чақиш тиш учун айниқса зарардир. Чунки, пистанинг усти очиқ бўлиб, унга чанг ўтиради. Кишилар эса уни олиб, ювмасдан оғизларига солиб чақадилар. Натижада пистадаги микробларнинг ҳаммаси тишга ўрнашиб, унинг касалланишига олиб келади.

Тишни соғлом сақлаш учун ҳар бир киши ўзининг махсус тиш чўткаси ва тиш парашогига эга бўлиши ҳам керак. «Рекорд», «Метро», «Особий» ва «Освежающий» тиш парашоклари ва «Мятная» тиш пастасини ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Тиш оғриган вақтда уни бўлар-бўлмасга ковлаш ярамайди. Чунки ифлос тушиб, оғриқ зўрайиб кетади.

Аптекаларда тиш оғригини босадиган «Денти» дориси ҳам сотилади. Уни тишингиз оғриганда қўйсангиз, оғриқни босади. Агар шунда ҳам босилмаса тиш докторига мурожаат қилиш керак.

Тишингизни тоза ва озода сақланг! Чунки бу — соғлиқ гаровидир.

Ф. КОМИЛОВ,
врач.

Ҳаваскор болалар



Киров район пионерлар уйида ИЗО, фото, авиомодель, бичиш-тикиш, дурадгорлик каби ўнга яқин тўгарак ишлаб турибди. Машғулот ўтказиладиган хоналар яхши жиҳозланган. Бу ерда неча юзлаб ўқувчилар ўзлари севган ҳунарни эгаллаш билан шуғулланадилар. Биргина фото тўгарагига 30 дан ортиқ ўқувчи қатнашаяпти. Тўгарак раҳбари Клавдия Ивановна Николей ҳозиргача ўнлаб уста фотоҳаваскорларни тарбиялаб етиштирди.

Тўгарак қатнашчилари пионер слётларига ва бошқа байрамларга бағишлаб фотомонтажлар тайёрлашади.

Суратда: 43-мактабнинг 6-синф ўқувчилари Ринат Усмонов ва Семен Басов ўзлари олган фотосуратнинг муваффақиятли чиққанини кўриб хурсанд бўлмоқдалар.

Текст ва фото
А. Исаковники.

СУД ЗАЛИДАН

Товламачи аёл

Шаҳар бозори одатдагидек сотувчи ва харидорлар билан гавжум. Ҳар ким ўзига керакли нарсани сотиб олиш билан овора. Бозор ёнидаги магазинга кириб келган бир аёл тикув машинасини кўздан кечиргач:

— Нархи қанча экан? — деб сотувчига мурожаат қилди.

— 680 сўм.

Харидор машинани яна қайта кўздан кечирди-да, сотувчига 680 сўмни санаб берди. Лекин харидор «ортиқча бериб юборибман шекилли» деб, пулни сотувчидан қайтариб олди. Аёл пулни 2—3 марта шу зайлда сотувчидан қайтиб олиб, такрор-такрор санайди. Охири у «тўғри экан» деб, магазин ходимига пулни узатади. Сотувчи бўлса бошқа харидорлар билан овора бўлиб, пулни қайта санамай олиб қолаверади. Ҳалиги аёл эса машинани олиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Кейинчалик сотувчи ҳалиги пулни санаб кўради, атиги 44 сўм!

Тезда бу воқеадан Чирчиқ шаҳар милиция бошқармаси хабардор қилинди. Товламачи аёл шу куниёқ қўлидаги тикув машинаси билан Салор автобус станциясида қўлга тушди.

Тергов вақтида қўли эгри аёл Насибулина Зина эканлиги маълум бўлди. У бундай найрангни бошқа шаҳарларда ҳам ишлатганини тан олди. Чирчиқ шаҳар халқ суди бу товламачи аёлни 9 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди.

А. МИРПЎЛАТОВ.

ТОШКЕНТНИНГ тамоша заларида

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/XI да **Трубадур**, 16/XI да **Масхарабозлар** ва **концерт бўлими**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/XI да **Холисхон**, 16/XI да **Гамлет**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/XI да **Ошиқ Ғариб**.

Евгения Гранде — «ВАТАН» (эрталаб соат 10-20 минут, кундуз 12 ва 2 да), «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Судья — «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Прэри кўчаси — «МИР», НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Аср тенгдоши — «ВАТАН» (кундуз соат 4, кеч 6, 8 ва 9-45 минутда).

Синов муддати — «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 1 ва 4 да).

Гулбаҳор — НАВОИЙ номли (кеч соат 6 да ўзбек тилида).

Митти бола — «СПУТНИК» (эрталаб соат 10, 11 ва кундуз 3 да).

«ПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

Тошкент ва Олмалиқда ишлаш учун:

4, 5-разрядли **тунукасос слесарлар**, 4, 5, 6-разрядли **вентиляцячи слесарлар**

керак

Меҳнат ҳақи ишбай асосида тўланади.

Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 22-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
18 ноябрда
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ ОРКЕСТРИНИНГ
КОНЦЕРТИ

Оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри — **Санд Алиев**.

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Шаҳодат Раҳимова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Коммуна Исмоилова**, Бутуниттифоқ ашулачилар конкурси лауреати **Сасон Беньяминов**, Жаҳон ёшлар фестивали лауреати **Мирза Тоиров**, филармония солистлари **Раҳима Ҳакимова, Баҳром Мавлоновлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

АГИТАТОР ЎРТОҚЛАР!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг

„АГИТАТОР БЛОКНОТИ“

ЖУРНАЛИГА 1961 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Агитатор блокноти» омма ўртасида сиёсий ишларни олиб боришда агитаторларга ҳамда марксизм-ленинизм назариясини ўрганаётган ўртоқларга ёрдам беради.

Журнал ҳар ойда 3 марта ўзбек ва рус тилларида чиқади.

Обуна баҳоси: 1 йилга — 14 сўм 40 тийин, 6 ойга — 7 сўм 20 тийин. Айрим сони — 40 тийин.

Обуна ҳар қанча миқдорда қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
16 ноябрдан
Тошкентда биринчи марта
ИЛЛЮЗИОН АТТРАКЦИОН АРТИСТ
Анатолий Фурманов
ГАСТРОЛЛАРИ
ва янги программада
ЦИРК ТАМОШАЛАРИ

Тамошалар давомида қизиқчи артист ака-ука **Ширманлар** қатнашади.

Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги **Ўрмон хўжалиги ва табиатни қўриқлаш Бош бошқармасининг УРУҒЛИК БАЗАСИ АҲОЛИДАН** шумтол, заранг, жийда, гледичия ва бошқа хил **дарахт уруғларини ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Базага **қишлоқ хўжалик ишчилари ҳам керак.**

Адрес: Тошкент шаҳар, Свердлов кўчаси, 26-уй. Телефон — 33-390.

Телевизор ЭКРАНИДА

15 НОЯБРДА

19.00. Республика қўғирчоқ театрининг «Рижик» спектакли.

19.35. Сўнгги ахборот.

19.55. «Бунга бепарзо бўлманг».

20.25. Пахта далаларининг меҳнаткашлари учун эшиттириш ва концерт.

21.10. Лев Толстой вафотининг 50 йиллиги олдидан. «Тирик мурда» фильм-спектаклининг 1-серияси.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р 10697

Нашр. А. 1916.